# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

36-37 (931) сон

27 август — 2 сентябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz



4

**БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ҚАЧОН ЧАЛИНАДИ?**


6

**СЕВСАМ ЎЛДИРАДИ, СЕВМАСАМ...**

**БОЛА ЁЛҒОННИ КИМДАН ЎРГАНАДИ?**


11


32

**МОЛ-ДУНЁ БАХТ БЕРМАЙДИ**

## *Энг улуғ, энг азиз байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам юртдошлар!*




**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**Иброгимов Комил** — «Навоий иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти.

**Нарзиев Тўра Икромович** — «Аму-Бухороканалқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти.

**Тўйчиев Алим Исмаилович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 25 август*

* * *

**Шунингдек, Юртбошимизнинг фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ҳам матбуотда эълон қилинди.**

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Қирқ йиллик ҳижрат ҳикмати ёхуд «Ватанни англаш» дарси муаллифи 2

«Уч кун зўрға чидадим, тўртинчи куни Ватанга қайтгим келаверди» 3

Муносиб яшалган ҳаёт йиллар биланмас, ишлар билан ўлчанади 5

Ўзбекка айланган рус қизи 7

Теледастурлар 8–10

Чимилдиқда «дард» тутиб қолган келин 12

Уч қиздан сўнг ўғил туғилди, лекин... 14

# ВАТАННИ АНГЛАШ ДАРСИ



...2000 йилнинг кеч кузаги эди ўшанда. Эски шаҳарнинг Чорсу бозорига ёндош бўлган, захх босган кўҳна тор кўчадаги пастаккина уйлардан ўтиб, оқиш дарвозани чертдим. Аввалига ҳовлидан секингина йўтал товуши келди. Сўнг оппоқ соқолли нуроний отахон эшик ҳатлаб, мен билан қўш қўллаб кўришди-да "қани ўғлим, ичкарига марҳамат, сўрида бир пиёла чой ичгунингизча мен кийиниб чиқаман"дея уйга бошлади. Ва бир оздан кейин ёнимга келиб, "чой ҳам ичмапсиз-ку, шошиляпсизми, майли, қани, илоё сафаримиз бехатар, зиёратимиз қабул бўлсин!" деб, дуога қўл очдилар.

Шу куни Юнусободга — "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи томон кетяпмизу... Мени эса бу фариштасифат отахоннинг "ул жойга ўн марта ғусл-таҳорат қилиб борсак-да кам" деган сўзлари ўйлантириб қўйди. Тепадан пастга тушаётганда отахон ҳар зинапояда бир нафас тўхтаб, сўзларди: «Бу муборак қадамжога биринчи бор келишим. Бул манзилнинг ҳар қаричи муқаддас, оёғимни босолмаяпман, худди босган изларимдан битта нола эшитилаётгандай бўлади. Телевизор орқали шу майдонда ўтган маросимни кўриб, йиғладим. Президентимизга минг бора раҳматлар айтдим, дуолар қилдим. «Халқимиз ўз ўтмишини унутмасин, хулоса чиқарсин, истиқлол осмондан тушгани йўқ, не-не буюк боболаримиз озодлик йўлида шаҳид кетганлар, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор» деган ниятда бундай савобли ишларга қўл урдилар, бошлари омон бўлсин!..»

Отахон зиёратгоҳни икки соатча ўзлари айланиб, гоҳ юриб, гоҳи ўтирар, лавҳалардан неларнидир шивирлаб ўқирди. Зиёратчилар билан гаплашиб бўлгач, секин ёнларига бордим. Ҳали бу майдонга етгунимизча оғир-оғир нафас олиб, жимгина келган ва қадамлари ҳам зилдай бўлган отахон кулимсираб, "энди қўлтиқламанг мени, ўзим чиқаман тепага, руҳим ҳам, танам ҳам жуда енгил тортди, зиёратимиз қабул бўлсин!" дея юқорига қараб одимлади...

**"Ватан қадрини ватансиздан сўранг, ўз туғилган гўшасини соғинган, бир кўрмоққа орзуманд одамнинг нола чекиб, зор-зор йиғлашига юрагингиз чидармикан? Мен ҳам қирқ йил ҳижратда — Ватандан олисда яшаганман. Қирқ йил. Тасаввур қиляпсизми? Айтишга осон, аммо Ўзбекистондан бирон хабар, мужда келишини, ўз туғилган она юртимизга қайтиш учун рухсат берилишини қирқ йил йиғлаб кутганмиз.**

**Эҳ, қандай оғир кунларни кўрмадик. Ҳар тарафга сочилиб кетган миллатдошларимиз юртимиз озод бўлганидан кейингина Ватаннинг қадри нақадар буюклигини англаб етдилар.**

**Бугун худога минг қатла шукрки, озод ва ҳур Ватанимда яшаяпман. Тушларимизга кирмаган кунларни кўрмоқ бахти насиб этди. Энди ҳар куни, ҳар лаҳза дуо қиламан. Ҳеч ким ўз Ватанидан айрилмасин!»**

Бундай ҳикматли ва ҳар қандай юракни ҳаяжонга солгувчи ҳаётий ҳикоялари билан умрининг сўнгги нафасигача **(бир асрдан кўпроқ яшаб, дунёдан ўтдилар — муал.) "Ватанни англаш"** дарсидан сабоқ бериб кетган бу дуогўй инсон раҳматли АБДУЛАЗИЗ қори ҳожи ота эдилар...

**Норқобил ЖАЛИЛ**




## КЕШДА БЕЛЛАШДИЛАР

Қадим Шаҳрисабзда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Саломатлик» деб ном олган спартакиаданинг финал босқичи ўтказилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан сараланган энг яхши ва чаққон, эпчил спортчилар волейбол, тош кўтариш, миллий кураш, стол теннеси, армрестлинг ва оилавий мусобақалар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Ушбу спартакиада орқали қишлоқларимизда яшайдиганлар орасидан янги спортчилар аниқланди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов. — Мусобақаларда 300 нафарга яқин спортсеварлар иштирок этиб, қишлоқларда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг спорт соҳасида нималарга қодир эканликларини яна бир бор кўрсатдилар. Қатнашчилар Шаҳрисабзнинг диққатга сазовор жойларини ҳам томоша қилдилар.

Беллашувларда умумжамоа ҳисобида қашқадарёликлар биринчи, Сурхондарё вилояти вакиллари иккинчи ва андижонликлар эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Оилавий мусобақаларда фарғоналик Азиз Толиповлар оиласи биринчи, қашқадарёлик Азамат Шоймардоновлар оиласи иккинчи ва сурхондарёлик Баҳодир Муродовлар оилавий вакиллари учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## РАИСАЛАР БАҲСИ

Балиқчи туманидаги «Уч булоқ» дам олиш оромгоҳида Андижон вилояти шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари иштирокида қизиқарли беллашув бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир аввалида иштирокчилар спортдаги маҳоратларини намойиш этишди.

Шундан сўнг таништирув, муаммоли саҳна кўринишлари ҳамда эркин мавзу бўйича белгиланган шартлар бажарилди. Айтиш жоизки, иштирокчилар шартларни тўла-тўкис адо этишда, билим ва иқтидорларини кўрсата билишда мутахассис спортчи ва санъаткорлардан қолишмадилар. Уларнинг орасида рақс маликаси Мукаррама Турғунбоева ва опера юлдузи Муяссар Раззоқовалар санъатига ҳавас қилиб, саҳнада қўшиқ ва рақс ижро этганларнинг чиқишлари йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Бу ўзига хос беллашувда Андижон тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳидилхон Рустамовага биринчи, Избоскан тумани ҳокими ўринбосари Юлдузхон Нишоновага иккинчи ўрин, иккита учинчи ўрин эса Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари Ферузахон Абдуллаева ҳамда Балиқчи тумани ҳокими ўринбосари Матлубахон Халиловаларга насиб этди.

Тадбир ниҳоясида ғолибларга вилоят хотин-қизлар қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Вилоятда илк бора ўтказилган мазкур кўрик-танловда Фарғона ва Наманган вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ҳам иштирок этишди.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# ЭЪТИБОР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ




Очиғини айтганда, "Саломатлик — туман бойлик" дея минг бора такрорлаган билан ўз билганидан қолмай, яна соғлигидан кўра кўпроқ ўз нафсини ўйлайдиганлар тоифаси ҳақида қанча бонг урамиз. Бу эса табиий жараён. Чунки ҳар бир инсон энг аввало ўз соғлиги ҳақида ўзи қайғурмаса, кейин кеч бўлади. Шу боис жойларда ўтказилаётган ҳар бир йиғинда саломатлик билан боғлиқ мавзулар ҳар доим долзарб масала сифатида кўрилади.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида Тошкент вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан Президентимизнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини амалга ошириш доирасида махсус тадбирлар уюштирилди.

Шаҳардаги Рудакий, Жомий, Муқимий, Ўзбекистон, Дўстлик ва Туркистон маҳаллаларида мазкур муҳим ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш жиддий масала эканлиги хусусида бошқарма бош мутахассиси Зуҳра Каримова сўзлаб берди.

Учрашувда Бекобод шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, соғликни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамда ФҲДЁ бўлими раислари ҳам иштирок этишди. Энг муҳими, бу борада ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик алоҳида эътироф этилди.

**Турдикул НОРМАТОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# ТОШКЕНТДА "ҚОВУН САЙЛИ"

**" Кеп қолинг, қовунларнинг асали келди, пулингиз ўзингиз билан кетади".**

**"Буниси "Бўрикалла", манавими, "Босволди"-ку!**

**"Йўғ-е, тарозига тортиб сотмайман, қўйинг отахон, атаганингизни бераверинг..."**

Бундай гап-сўзларни кечагина пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудида ўтказилган "қовун сайли"да кўп бора эшитдик. "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими раиси ўринбосари Жуманзар Жонибековнинг айтишича, ушбу ҳудудга қарашли 58 та маҳалланинг уч юз мингдан ортиқ аҳолиси яқиндагина ўтказилган байрам ҳашарида ҳам, қолаверса, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилаётган барча тадбирларда ҳам фаол иштирок этибди.

Шунингдек, "қовун сайли" доирасида шу куни туман микёсида "Энг ибратли маҳалла" номи ҳам аниқланди. Бу эътирофга "Чиғатой Оқтепа" маҳалласи сазовор бўлди. "Ниҳол" маҳалласи фаоли Маҳмуджон Ҳамидуллаев ўз ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ сарфлаб, болажонларга махсус спорт майдончаси ва «жонли бурчак» қуриб бергани учун "Энг фаол маҳалла жонкуяри" деб топилди.

Қутлуғ тантаналар арафасида бошланган бу сайил 3 сентябргача давом этади.

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

***Пойтахтимизнинг миллий боғ ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносида***
**"ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН..."**
деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудлараро кўргазма-савдога марҳамат!
Муҳтарам юртдошлар, мўъжизакор қўллар яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлинг!

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

***➔Бу йил республикамиз бўйича сал кам ярим миллион ўқувчи биринчи синфга қабул қилинади.***
***➔ Дарсликлар тақчиллиги такрорланмайди!***
***➔ Мактаб ўқувчиларининг формаси ўзгаради, деган гап ростми?***



*ЖАРАЁН*

# БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ҚАЧОН ЧАЛИНАДИ?



Саноқли кунлардан кейин мамлакатимизнинг барча таълим масканларида яна қўнғироқ садолари жаранглайди. Бу кунни ҳаммадан кўра болажонлар кўпроқ орзиқиб кутишмоқда. Мамлакатимизда 400275 нафар етти ёшли, ташхис марказларининг тавсиялари асосида 87866 нафар олти ёшли, жами 488141та бола биринчи бор мактаб остонасига қадам қўяди. Уларнинг барчасига ўн икки номдаги ўқув қуроллари, дарсликлардан иборат Президент совғалари "Билимлар куни"да тантанали суратда топширилади.

— Янги ўқув йилига қанча таълим масканлари тайёр? Ушбу савол билан **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Дониёровга мурожаат этдик:**

— Янги ўқув йилига тайёргарлик ҳар доимгидан анча илгарироқ, аниқроғи, жорий йилнинг май ойидан бошланди, — дейди суҳбатдошимиз. — Режага мувофиқ бу йил 1957 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилиши белгиланган бўлиб, уларнинг 262 таси шаҳарларда, 1606 таси қишлоқлар ва 89 таси бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу ойнинг ўн бешинчи санасига қадар мамлакатимиз бўйича жами 709 та, шундан 6 та янги мактаб қурилиб, 355 таси капитал реконструкция қилиниб, 263 таси капитал ва 85 таси жорий таъмирланиб, давлат ва ҳудудий қабул комиссиялари томонидан фойдаланиш учун қабул қилинди. Қолган таълим объектларидаги тайёргарлик ишлари 1 сентябрга қадар ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

**— Таълим жараёнини дарсликларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Мактабга бораётган фарзандларимизнинг қандай китоблардан фойдаланиши, улар билан тўлиқ таъминланиши қай даражада бўлиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Негаки, ҳалиям эсимизда, бир неча йил аввал дарсликлар масаласида тақчиллик ва етишмовчилик муаммоси келиб чиққанди. Ҳали математика, ҳали мусиқа дарслиги синфдаги болаларнинг бирига бўлса, бошқасига етмай қоларди. Бу йил мазкур масалада қийинчиликлар йўқми?**

— Бу борада хавотирга асос йўқ, — **дейди Бахтиёр Дониёров.** — Республика ҳукумати томонидан тасдиқланган талаблар асосида 2009-2010 ўқув йили учун жами 315 номда 22,6 млн. нусха дарсликлар тўлиқ чоп этилиб, мактабларга етказилмоқда. Агар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан умумий таъминланганлик 2004 йилда ўртача 82,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 15,8 фоизга ўсиб, умумий таъминланиш 98,1 фоизга етди.

Ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мактаб ярмаркалари ташкил этилган бўлиб, мактаб учун зарур бўлган барча ўқув қуролларини шу ерда топиш мумкин. Ярмаркаларда дарслик ва ўқув қўлланмалари сотувини ташкил этиш учун ижара тизимига киритилмаганларининг рўйхати тузилди ҳамда "Матлуботсавдо" компаниясига тақдим этилди. Мактаб ярмаркалари билан боғлиқ батафсил маълумотларни ўқувчи ва ота-оналарга етказилиши борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг ташкил этилди. Бугунги кунда 14 та ҳудудда, 200 та туман (шаҳар)ларда, 754 та мактаб қошида "Мактаб бозорлар ва ярмаркалари" фаолият кўрсатмоқда.

**— Мактаб учун зарур бўлган ўқув қуроллари харидиҳақида гап кетганда, табиийки, кийим-кечак масаласи ҳам кўтарилади. Чунки фарзандимизнинг мактаб формаси ҳамма учун бир хил, ортиқча дабдабалардан ҳоли, арзон нархда бўлиши билан бирга ҳаво ўтказувчанлигига ва қулайлигига аҳамият берамиз. Лекин афсуски, бу йил республика мактаб ўқувчилари ягона форма тизимига ўтади, деган айрим гап-сўзлар ҳам тарқалгани рост. Шу масалага ҳам ойдинлик киритсангиз.**

— Аввало шуни айтиш кераки, Республика халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб ўқувчиларини ягона формага ўтказиш бўйича қуйи идоралар ва таълим муассасаларига ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Ўқувчилар формаси матоси ва рангини танлашда Ўзбекистоннинг иқлим шароити, ўқувчиларнинг ёш ва физиологик ривожланиш хусусиятлари, ижтимоий мавқеи ва маънавий-ахлоқий қадриятларига мослиги ҳисобга олинади. Қолаверса, ҳар бир мактаб ўз Низомига асосан ўқув формасини танлаш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутиш керак. Шу боис ота-оналаримиз бундай миш-мишлар пайдо бўлганда ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, ўзлари яшайдиган ҳудуддаги таълим муассасаларига мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Яна саноқли кунлардан кейин мамлакатимизнинг 9769 та мактабида янграган қўнғироқ садолари 5 миллион 108 217 нафар ўқувчини ўз бағрига чорлайди. 2009-2010 ўқув йили ҳам анъанага кўра "Мустақиллик дарси" билан бошланади. Унда давлатимизнинг, халқимизнинг 18 йилда эришган ютуқлари, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ўқувчилар қалбига сингдирилади. Халқимизнинг энг буюк ютуғи бўлган мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг асоси, биз кўзлаган мақсадларга элтувчи йўл эканлиги тушунтирилади.

Истагимиз, каттаю кичикни бирдай энтиктирувчи, билим олишга, у орқали оламни, одамни англашга, инсонийлик, эзгулик ғояларни дилга жо қилишга даъват этувчи бонг — Биринчи қўнғироқ садолари ҳамиша янграйверсин!

**Назира ҚУРБОН,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**




**«СЕЙФ»** — бу сўзни кўпчилигимиз деярли ҳар куни ишлатамиз. Лекин унинг асл маъносини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. «Сейф» сўзи асли инглизча бўлиб, «хавфсиз, ишончли» деган маъноларни билдиради.

**«ОЯТ»** — сўзининг туб маъноси арабчада «белги», «нишон», «мўъжиза» деганидир.

**«СИНЧКОВ»** — сўзининг маъноси эса ҳаммамизга маълум, яъни бу иборани бирон нарсага синчиклаб, эътибор билан қарайдиганларга нисбатан ишлатамиз. Бизнингча, «синчков» сўзи «синчи» сўзидан келиб чиққан. Маълумки, отларнинг зоти, феъл-атвори, ёшини аниқлаш билан шуғулланадиган одамлар учун синчковлик жуда зарур бўлган.

**«ПИЁВА»** — одатда, ёвон шўрва халқ тилида «пиёва» деб аталади. «Пиёва» жумласи форсча бўлиб, «пиёз+об (сув)» деган сўзлардан келиб чиққан. Бу таом пиёздоғ ва сувдан тайёрланади.

**«НОРАСИДА»** — бу сўзни ҳам тилимизда кўп ишлатамиз, лекин асл маъносига кўп ҳам эътибор беравермаймиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «норасида» — форсча сўз бўлиб, «хом, пишмаган, балоғатга етмаган, чала туғилган» маъноларни билдиради дея изоҳланган.

**Эшқобил ШУКУР**
**тайёрлади.**

# МУҲАЙЁ МАКТАБГА БОРАДИ

**Биринчи қўнғироқ...**

Эҳ-ҳе, у бу кунни қачонлардан бери орзиқиб кутади. Мактаб назарида тилсимли шаҳарчага ўхшайди. У ерда Муҳайё билмаган қизиқ нарсалар бор-да ўзи: қўнғироқ, муаллим, танаффус, парта, доска. У бу сўзларни кўп эшитган, маъносини ҳам сал-пал билади.

Лекин уларни ўз кўзи билан кўришни, қўнғироқ товушини қулоғи билан эшитишни истайди. Шу сабабли ой санайди, кун санайди. Дадаси олиб берган мактаб формасини неча марта кийиб, неча марта ечади. Боғчадан совға қилишган яп-янги сумкасига дафтарларини жойлайдида, катта ойна олдига бориб қарайди. Сумкасини тортқилаган укасини опаларига тақлидан койиган бўлади: «Тегма, дафтаримни йиртасан, муаллим уришадилар!» Кейин ўз гапига нашъа қилиб кулади. Бир зумда ўқувчи бўлиб қолгандай сезади ўзини.

Опаларининг ранг-баранг расмли китобчаларини завқ билан томоша қилади. Маймоқ айиқча, думсиз тулкига қараб эртак тўқийди. Расмлар тагида ёзув деб аталмиш шаклларга тикилиб-тикилиб қарайди. Ўзининг ожизлигини — ўқий олмаслигини билиб, опаларига жовдирайди. «Қизил шапкачанинг саргузашти», «Бўғирсоқнинг саёҳати», «Катта шолғом ҳангомаси»ни ёзувлардан сўзларга ағдарган опаларига ҳаваси келади. Ўқишни билгани учун назарида опалари сеҳргардай туюлади.

Бугун эса Муҳайё хурсанд, мактабга боради! Тилсимли шаҳарчанинг эшиклари ланг очилиб, қизалоқни бағрига олади. Қўлига қалам, дафтар, китоб тутқазади.

АХИР УНИ КЕЛАЖАК КУТЯПТИ!

**Лола ЎРОҚОВА**

*ИФТИХОР*

# ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ. Жаҳон харитасида яна бир мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Парламент минбаридан туриб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Бугундан эътиборан 1 сентябрни Мустақиллик куни — умумхалқ байрами деб эълон қиламан!» дея баралла айтган гаплари ҳамон қулоқларимиз остида садо бермоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов бутун эътиборни ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ғояни тарғиб қилиш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратдилар. Айниқса, халқ маънавиятини тиклаш ҳар қандай фаолиятнинг асосига айланди. Истиқлол туфайли юртимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари, ҳайратомуз ўзгаришлар, салмоқли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар юз берди, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, маънавий ва маданий қиёфаси бойиди.

Тан олиш кераки, мустақилликка қадар юртдошларимиз, айниқса, биз Ватанимиз тарихининг турли даврларида яшаб ўтган, юрт тақдири, истиқболи йўлида фидойилик кўрсатиб, ўзларидан кейин ўчмас из қолдирган буюк сиймоларимиз, ўлмас қаҳрамонлар ҳақида жуда кам маълумотга эга эдик. Истиқлолимиз шарофати билан буюк аждодларимизнинг номлари қайта тикланди, уларнинг ҳар қандай таҳсину таърифга арзигулик ишлари ҳақида бой маълумотларга эга бўлдик.

Шундай экан, биз бугун ўз тақдирини тўла қўлига олиб, бой тарихи, буюк ўтмишини янгидан кашф этиб яшаётган миллат сифатида тарих ва келажак олдида ўзимизнинг муқаддас бурчимиз — шу Ватанга, шу муборак заминга содиқ бўлмоқлик туйғусини эъзозлайлик.

**Босит УМАРХЎЖАЕВ,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти талабаси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ



*1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни ҳамда қадим ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг қутлуғ 2200 йиллиги муносабати билан халқимизни самимий муборакбод этади!*

*Онани эъзозлаш, аёлни қадрлаш бу — оилани мустаҳкамлаб, тинч ва тотув, аҳил яшаб, фарзандлар камолини кўрмоқ демакдир. Шундай экан, оналар саломатлиги эртанги авлоднинг ҳам соғломлигини кафолатлайди.*

*Ватанимизда тинчлик ва осойишталик барқарор, барча оилаларга хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин!*

**2009-йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**



# МУНОСИБ ЯШАМОҚ БАХТИ

## Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Мавжуда ШАРИПОВА суратига чизгилар

...Журналист халқи шундай: ўз қаҳрамонларини йиллар давомида кашф этади. Уларнинг эзгу ишларини кўпчиликка етказгиси, яхшиликларини яхшиликларга улагиси келади.

Мен ҳам Мавжуда опа Шарипованi кўпдан буён биламан. Илк бора у кишини қайсидир анжуманда учратганман. Ёниб-ёниб сўзлаганларини эшитиб, қалбидаги ҳайрат, иштиёқ, вужудидаги ғайрат-шижоатга жуда-жуда ҳавасим келган. Кези келиб эса опани ўша туман марказидан анча олисдаги шўр, ҳосилдорлиги паст саналган Қуйимозор массивидаги шийпонга йўқлаб борганман. Чўлнинг гармсел шамоли юзни буриштириб, жазирама иссиқ тинкаи-мадорингизни қуритадиган айни ёз кунлари уни дарахтлар сояси эмас, гулга кириб, кўсак боғлаётган пахта даласидан топганман. Шунда ҳам опа мени ҳориб-толиқиб эмас, жилмайганча, бардам ва хушчақчақ қарши олганди.

— Ерга нима кераклигини бир қарашда биламан, — дегандилар опа ўшанда эгатдан бир ҳовуч тупроқни кафтлари орасига олганча меҳр билан термуларкан. — Ана шу далалар рўзғоримнинг бир бўлагига айланиб кетган. Фарзандимизга уни олиб берай, бу керак деймиз-ку, худди шундай мен ҳам ҳудудимнинг қайси бўлаги сувга, ишловга, маҳаллий, минерал ўғитга зориқаяпти, юрагимдан ҳис этиб тураман. Шу эҳтиёжни қондирмагунимча ҳосил олиб, ризқ ундириш режасини тузишга кўнглимда хижиллик сезаман...

Мавжуда опанинг ҳузуридан олам-олам таассуротлар, янги куч-қувват билан қайтарканман, «Дамас» машинаси рулини чаққонлик билан буриб, қайсидир идорага ошиқаётган аёл ва унинг фермер хўжалиги эришаётган ютуқларнинг замиридаги миннатсиз меҳнат ва муҳаббатнинг завқидан ажиб ҳароратлар туйганман. Шунга ҳам анча бўлди. Ўтган йиллар давомида «Мавжуда Шарипова» фермер хўжалиги нафақат Навоий вилояти, Қизилтепа туманида, балки мамлакатимизда ҳам танилди. Фидойи меҳнати зое кетмади: «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» деган шарафли унвонни олишга муваффақ бўлди...

Бир аёл учун қақроқ чўлни яшнатиб, ундан дур ундиришдек эзгуликка бош бўлиш, ўнлаб кишиларни иш билан таъминланиши-ю, ҳомийликларга елкадошликнинг ўзи осон эмас. Дарвоқе, опа бошчилигидаги фермер хўжалиги бу йил ҳам 40 гектар майдонга пахта, 16 гектар ерга эса ғалла уруғини қадаган эди. Дастлабки натижалар қувонарли. Ғалла топшириш режаси 124 фоизга адо этилди. Баравж ривожланаётган ниҳоллар эса эртанги муваффақиятлардан дарак беради... Лекин Мавжуда опани бугун мен ана шу хайрли юмушлар баробарида, катта маҳаллага раисалик қилаётгани, қишлоқларни яшнатиб, хонадонларнинг тинч-осойишта турмуш кечириши, янги-янги иш ўринлари яратишу, ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши, миллий қадриятларимизнинг улуғланишию, ўғил-қизларимизнинг ўзбекона тарбия олишига ҳам масъул бир инсон сифатида қайта танидим.

Ванғони фуқаролар йиғинига қарашли «Оқмачит» маҳалласига 2006 йили раиса этиб сайланган опа дастлаб ишни уйда ўтирган хотин-қизларни жамият билан ҳамқадам яшашларига эътибор қаратишдан бошлади. Бунинг учун ҳудуддаги фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш цехлари, турли идораларнинг раҳбарлари билан учрашди, касаначиликни ривожлантиришни йўлга қўйди. «Якка тут дур гавҳари», «Бахт макони», «Рисолат ёқут» сингари фермер хўжаликлари билан келишиб, мавсумий иш ўринларини ташкил этдики, бу тадбиркорлар учун ҳам, аҳоли учун ҳам катта қулайлик яратди.

— Мавсумий ишчиларни далага олиб бориб келиш учун иккита автобус бириктириб қўйганмиз, — дейди бу ҳақда Мавжуда опа. — Биласиз, тўрт фасл ҳам деҳқончиликда юмуш тугамайди. Демак, меҳнат қиламан деган одамнинг ризқи ҳамиша бут. Биз кўпинча оилалардаги нотинчликни бартараф этиш ҳақида ўйлаймизу, унинг сабабларини синчиклаб ўрганишни четга суриб қўямиз. Лекин рўзғордаги носоғлом муҳит ҳам касалликка ўхшайди. Уни келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилмаса, дард яна қўзғайверади. Мен жуда кўп муаммоларнинг илдизи қайсидир жиҳатдан иқтисодий тақчилликка бориб туташишига кузатишларим асносида амин бўлдим ва хонадонларда кандакорлик, каштадўзлик, ўймакорлик каби миллий хунармандчилигимизнинг кўринишларини ривожлантириш йўлларини изладим. Меҳнат билан бандлик, иқтидорларни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларни айтиш мумкинки, оилавий ажримларнинг олдини олишга ҳам ижобий таъсир этмоқда, десам муболаға бўлмас. Ҳақиқатан ҳам маҳалла ҳудудида ташкил этилган Абдурасул Жалоловнинг мебелсозлик цехи, Салоҳиддин ва Миржон Файзуллаевларнинг нонвойхонаси, Зулфизар Ғофурованинг тикувчилик цехи аҳолига хизмат қилиш билан бирга ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиб, доимий иш ўринларини эгаллашларига улуш қўшмоқда. Ўймакор уста Сайфулло Алоҳиддиновнинг дарвозаларга нақш бериш, Зайнаб ая Маҳмудованинг чопондўзлик санъати сирларини қунт билан эгаллаётган йигит-қизлар айни пайтда қалбларида сабр-қаноат, сидқидил меҳнат қилиш, меҳнатсеварликдек гўзал фазилатларни жамлаётганлари ҳам рост.

Опанинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла, мактаб, қишлоқ врачлик пункти ва боғча ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу жамлик аҳолининг саломатлиги, хонадонлардаги муҳит, фарзандлар таълим-тарбиясига муносабат сингари масалаларни бамаслаҳат ўрганиб, лозим бўлган чора-тадбирларни белгилайди. Улар учун ҳеч ким ва ҳеч бир муаммо бегона эмас. Ҳар бир қишлоқнинг тўйлари файзли, исрофгарчиликсиз, хушнудлик билан ўтишига бош бўлувчи масъуллари бор. Хабарчидан тортиб, кайвонигача, самоварчидан тортиб, ошпазгача бир фикр, бир сўз бўлиб, маҳалланинг хушу нохуш кунларига хизмат қилишади. Вақти-вақти билан йиғилиб, бу хусусида кенгашишади. «Энг обод хонадон» танлови якунлари ҳам ана шундай ҳаммаслакликда ўрганилиб, баҳоланади...

...Равон кўчалар, гулу гулзорга бурканган йўлкалар бўйлаб борарканмиз, опанинг «Қишлоқ фаровонлиги аввало халқимизнинг кўнгил ободлиги, вақти хушлигида аён бўлмоғи керак. Биз ишни ана шундан бошламасак муродга етишимиз қийин. Мен ҳузуримга кириб келган кишиларнинг нигоҳларидан ҳаётга иштиёқ, завқ-шавқ излайман. Бугун маҳалламиздаги қайси ҳовлига кириб борманг, райҳонларнинг хушбўй ҳиди димоғингизни қитиқлайди. Боғлари шарбатга тўлган. Демак, чиндан-да тараққиёт бор...» деган сўзлари қулоғимиз остида жаранглайверади... Яна эшитиб қолдик: яқинда опа ўзи ва Фарҳод Қодиров деган фермер билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳудуддаги кам таъминланган оилалардан бирига янги уй қуриб беришибди. Унга қарийб 12 миллион сўм маблағ сарфланибди. Айтишларича, опа қўл урган бундайин савоб ишларнинг биров сезиб, биров билмай қолгани қанча...

Файласуфларимиздан бири «Муносиб яшалган ҳаётни йиллар билан эмас, балки бажарилган ишлар билан ўлчамоқ зарур» дея ёзган эди. Беш фарзандни тарбиялаб, эл-юрт хизматига йўллаган, тўққиз набиранинг севимли бувижониси Мавжуда Шарипованинг сурату сийратида ана шу муносиб яшаш бахтини кўргандек бўламан.

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**журналист.**

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

# СЕВСАМ ЎЛДИРАДИ, СЕВМАСАМ...

Турмуш ўртоғим билан севишиб турмуш қурганмиз. Аммо ҳозиргача «биз ҳақиқатан ҳам бир-биримизни севганмизми» деган савол менга тинчлик бермайди. Чунки...

Яхшиси, ҳаммасини бир бошидан айта қолай. Эрим Нодир ака билан аслида амакиваччалармиз. Момомизнинг васиятига кўра, келгусида унинг опамга уйланиши кераклигини билардим. Бори шу. Мактабни тугатгач, улар яшайдиган шаҳарга ўқишга кирдим. Дугоналарим билан ётоқхонага жойлашдим. Бир-икки ойда уйга бориб турар, ҳар ҳафта эса амакимникида меҳмон бўлардим. Ана шу пайтлар у билан бир-икки оғиз гаплашиб қўярдик, холос. Шу тарзда орадан бир йил ўтди. Нодир аканинг тез-тез мендан хабарлашиб туришини ҳам акам, ҳам бўлғуси поччам сифатида тўғри қабул қилардим. Орадан маълум бир муддат ўтгач, менинг ёшимдаги ҳамма қизлар каби бир йигитга кўнгил қўйдим. Очиғи, у бола жуда камбағал оиладан эди. Шу боис менга гапиришга унчалик ботинолмасди. Аммо мен уни жуда ёқтириб қолгандим. Бизлар учраша бошладик. Буни қарангки, бир куни менинг йигитим борлигини эшитиб қолган Нодир ака ўша болани тутиб олиб, мендан узоқроқ юришини айтиб, роса калтаклабди. Шунда ҳам хаёлимга бошқа фикр келмай, акасидан қўрққан қизалоқдек ундан қочиб юрдим. Аммо бунгача у тез-тез ётоқхонамизга келадиган, ҳатто дарсларга изимдан борадиган, уйимизга ҳам олиб бориб, олиб келадиган одат чиқарди. Бу эса табиийки, севгилим билан учрашишимга халақит берарди. Шунга қарамай, биз ўша йигит билан ҳамон учрашиб турардик. Бундан хабар топган Нодир ака энди бир неча шаҳарлик ўртоқлари билан йигитимни аёвсиз уриб, майиб қилиб қўйгандан кейин ортиқ чидаб туролмадим.

— Нимага сиз ҳадеб бизнинг муносабатларимизга аралашасиз? Мен у йигитни севаман. Ўқишни битирганимиздан кейин турмуш қурмоқчимиз, — дедим алам билан.

Аммо бунга жавобан Нодир акам:

— Бекорларнинг бештасини айтибсан! Сенга ўзим уйланаман. У эмас, мен яхши кўраман сени, — деса бўладими?

Бошимга биров гурзи билан туширгандек, довдираб қолдим. Уятдан ерга кириб кетай дедим. Бу нима дегани? Наҳотки, акам ўрнида кўрган, эртага опамга уйланиши лозим бўлган бу инсон менга уйланса?! Уни кўрарга кўзим, отарга ўқим қолмаганди. Ўзи шу гапни айтгунга қадар ҳам кечаю кундуз мени таъқиб қилаверишларидан тўйиб кетмаганманми, ётоқхонадан ижарага чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Янги манзилимни эса ҳеч кимга бермадим. Ўқишга ўғринча келаман, унга кўзим тушса, худди ёв қувгандек қочаман, юзма-юз бўлган пайтимизда эса у нуқул: «Дилдор, мен сени севаман», дейишини қўймас, бунинг устига унинг калтакларидан кейин соғлиги путур етган йигитим ҳам мендан тамоман юз ўгирган эди. Узлуксиз таъқиблардан қочиш, сиқилиш, алам, чорасизлик ўз кучини кўрсатди. Бир куни иситмалаб, ҳушимдан кетганимда ижарахона эгаси «тез ёрдам» чақирибди. Бир неча кунгача ўзимга келмабман. Миямни қаттиқ шамоллатган эмишман. Хушимга келиб, кўзимни очсам, қаршимда Нодир ака ўтирарди, бош тарафимда эса... қишнинг қирчиллама кунига қарамай, қип-қизил атиргуллар гулдастаси турарди. Нимагалигини билмайман, йиғлаб юбордим.

Хасталигим бир ой давом этган бўлса, Нодир акам бир ой ҳам бошимда парвона бўлди. Ҳали гул, ҳали ширинлик, ҳали китоб олиб келади, қулдиради, кўнглимни кўтаради, аммо бирор марта ҳам олдинги гапини айтмади. Бундан мен ҳам анча хотиржам тортдим. Демак, айтганларидан пушаймон деб ўйладим. Унга нисбатан яна ишончим ортди. Бунинг устига уйимиздагилар келиб, соғлигимдан ташвишдаликлари сабабли мени амакимнинг уйига кўчириб келишди. Шу ердан ўқишга қатнай бошладим. Бир куни у киши фурсатини топиб, менга тилла узук совға қилди. (Қандайдир байрам муносабати билан шекилли) Қолаверса, бундай сабаб ва муносабатларни топишга унга тенг келадигани йўқ эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у опамнинг бир йигит билан гаплашаётганини қаердандир эшитиб, шунчалик хурсанд бўлиб мендан суюнчи олдики, юрагим шиғиллаб кетди. Демак, у ҳали ҳам менга ўша-ўша муносабатда экан-да? Бора-бора унга кўникдим. Қариндошлар ўртасида биз ҳақимизда шивир-шивирлар тарқалди. Менинг бу ерда туришим энди ўзбекчиликка тўғри келмасди. Ижарага чиқиб кетдим. Аммо Нодир аканинг самимий муносабати яна таъқибга айланди. Охир-оқибат тўйимиз бўлиб ўтди.

Шунақа гаплар. Биз мана шу тарзда севишганмиз. Аммо борган сари эримнинг феълидаги ҳаддан зиёд ортиқчалик менинг силламни қурита бошлади. Ҳа, у мени қаттиқ севади, шунга яраша рашк қилади ва ҳаддан зиёд хўрлайди, ҳақоратлайди, узр сўраганда эса ҳаддан зиёд ўзини ерга уриб, оёқларимни ўпиб, ялиниб, ёлборади.

Бир сафар у ҳеч қандай сабабсиз менга қимматбаҳо чарм пальто сотиб олди. Қўярда қўймай менга кийгазди. Кейин қайнонамнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, мени даст кўтариб олиб, ҳамманинг олдида гиргир айлантирди-да: «Дилдорим билан бу пальтони ювамиз» деб, мени кўчага олиб кетди. Йўл ийўлакай гўзаллик салонига олиб кирди. Юзим, сочим, тирноқларимнинг қандай шаклга солинаётганини эринмай кузатиб турди. «Асалим, гўзалим,» деб ресторанга олиб борди. Гул тақдим қилди. Шампан буюрди, хуллас, гўёки эр-хотин эмас, севишганлардек эдик. Аммо уйга келгач, ҳе йўқ бе йўқ бирданига, «сени шунча севишимга қарамай, барибир кўнглинг ўша йигитингда экан-да, тўғрими, айт», деб мени терговга тушди. Гапдан гап қочиб, эгнимдаги пальтони ечиб, алам билан оёғининг тагига улоқтиргандим ҳамки, «ҳали шунақами?» деб, мени ўласи қилиб савалади. Кейин чарм пальтони олиб, кўз олдимда ёқиб юборди. Эҳ-ҳе, кейин бундай жанжаллардан неча-нечаси бўлмади дейсиз. Биз тўкин-сочин, чиройли яшардик, пул тўплардик, аммо тўсатдан, ҳеч қандай сабабсиз у мени қизғанишга тушар, ҳақорат қилиб урар, уйдаги бор будимизни ёқиб, кулини кўкка совурарди. Бизнинг рўзғоримиз аллақачон алоҳида бўлганлиги учун болаларимни қўлтиғимга олиб, неча бор қайнонамнинг уйига келиб жон сақладим. Неча бор бу хўрликларга ортиқ тоқат қилолмай, ажрашмоқчи бўлганман. Аммо ҳар сафар у шунақанги «қаҳрамонликлар» кўрсатардики, оқибат яна у билан яшаб кетишдан бошқа иложим қолмасди.



Шу тарзда гоҳ ажрашиб, гоҳ ярашиб, гоҳ бахтли, гоҳ ғуссали кунларимиз билан орадан ўн олти йил ҳам ўтиб кетди. Аммо афсуски, эрим ҳали ҳамон ўша-ўша. На бир дугонам бор, на биров билан очилиб гаплаша оламан. Бир нарсадан хурсанд бўлганимни кўрса, ёш боладек суюнади, хафалигимдан астойдил қуйинади. Аммо ҳеч кутилмаганда, арзимаган нарсадан баҳона топиб, мени хўрлашга, ҳақоратлашга тушади.

Ҳа, ҳаётимиз шу тарзда давом этаяпти. Болаларимиз улғайиб қолган. Келин тушириб, қиз узатадиган ёшга ҳам етиб қолдик. Аммо, эримнинг феъли ҳамон ўша-ўша. Баъзан ўйлаб қоламан. Руҳиятида бирор нуқсон борми десам, бир эмас, иккита олий ўқув юртини тугатган. У ҳақда ҳамкасблари жуда яхши фикр билдиради. Ҳамма билан хушмуомала, давраларнинг гули. Ота сифатида ҳам унга тенг келадигани йўқ, ўғил, куёв сифатида ҳам ҳеч кимни хафа қилмаган. Аммо мени севиш билан бирга ҳали ҳамон ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди. Бугунги куним тинч ўтса, эртанги куним мени нима фалокат кутяпти деб, юрагимни ҳовучлаб юраман. Турмуш «мушт»ларидан турли дардлар ҳам орттириб олганман. Илгариги ҳуснимдан асар ҳам қолмаган. Аммо у ҳалиям мени телбаларча севишини айтишдан тўхтамайди. Рашк қилишдан чарчамайди. Терговдан эринмайди. Наҳотки, ошиқлик шунча пайт давом этиши мумкин? Наҳот яқин қариндош бўла туриб ҳам шундай севиш мумкин? Мен кўп эшитганман. Баъзи аёллар бирор эркакни ўзига иситиб олиш учун нималардир қиларкан. Эркак шу дуо таъсирида нима қилаётганини ҳатто ўзи ҳам билмас эмиш. Аммо мен эримга нисбатан ҳеч қандай «амал» қўлламаганман. Бунга ҳожат бўлмаган. Бу нимадан бўлиши мумкин? Наҳотки одам орадан ўн олти йил ўтса ҳам ўзининг ҳисларини жиловлай олмаса? Борган сари юрагимдаги қўрқув ошса ошяптики, камаяй демайди. Бунинг устига мени унинг муҳаббати чарчатди. Мен эримнинг бир умр ошиқ бўлиши эмас, яқин дўст, ёстиқдош, фарзандларимнинг отаси, оиланинг устуни бўлишинигина хоҳлайман. Менга бундан бошқа ҳеч нарса керакмас. Наҳотки, у ҳеч қачон ўзгармаса?

Нима қилишим керак? Қачон ҳеч нарсадан ҳадиксирамай, эркин нафас оламан? Қачон юракдан куламан? Қачонгача унинг кунига неча марта бериладиган «асалим, мени севасанми?» деган аҳмоқона саволларига тўтидек, «ҳа, севаман» дейвераман? Ўзимнинг бу бачканалигимдан, унинг «чин» севгисидан ҳам чарчаб кетдим. Айтинг, мен нима қилай? Илтимос, менга маслаҳат беринг. Бу айтганларим бизнинг «эҳтиросларга бой» ҳаётимиздан бир шингилгина, холос. Аммо, менинг бундай яшашга ортиқ кучим етмайди, деб қўрқаман. Чунки биламан, у билан шу пайтгача ажрашолмадимми, бундан кейин умуман ажрашолмасам керак. Қадимги қўшиқда айтилганидек, «севсам ўлдиради, севмасам ўлам...

**Дилдора ДАВРОНОВА,**
**Қарши шаҳри.**




# ООО «КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР»

## 32 йилдан бери фаолият юритамиз.

**1. Офтальмология хизматлари**

— Диагностика (кератоконус, кератоглобус, астигматизм — ҳамма турлари, афакия, гиперметропия, миопия);

— Барча турдаги кўзойнакларни танлаш;

**2. Барча турдаги юмшоқ линзаларни ишлаб чиқариш;**

-35,0 — +30,0d

**3. Қаттиқ линзалар — индивидуал тайёрлаш (текширув ва танлаш);**

— Ҳаво ўтказувчи хусусиятга эга линзалар -35,0 — +30,0d;

**4. Шоҳ пардага тушган оқ чандиқларни бекитувчи линзалар (косметик линза);**

**5. Юксак малакага эга шифокор хизмати;**

**6. Хизмат тури нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан.**

**Email: contactlinz@mail.ru МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш—8.**
**Мўлжал: Республика кўз касалликлари шифохонаси.**
**ТЕЛЕФОН: 246-77-51, 227-15-69**

*Хизматлар лицензияланган*

ХУҚУҚ ВА БУРЧ

# НИКОҲ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Турмушда учрайдиган муаммолардан бири бу баъзида никоҳланувчи шахслар ўртасида тузилган никоҳларнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши масаласидир. Никоҳ тузилиши оила қонунчилигида қатъий белгиланган бўлса-да, кундалик ҳаёт тарзимизда қонунда белгиланган никоҳ тузиш тартиби ва шартларини бузиб қайд қилинган никоҳлар ҳам учрайди.

Мисолларга мурожаат қилайлик:

Даъвогар У.Л. жавобгар У.Ҳ.га қўшимча жавобгар Нарпай туман Фуқаролик Ҳолати Далолатномаларини ёзиш бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, унда 1999 йил 14 декабр куни жавобгар Ҳ. Умеров билан турмуш қурганлиги, ўзи У.Ҳ.нинг фамилиясига ўтганлигини, жавобгар уни алдов йўли билан ўз никоҳига олганлигини, ҳақиқатда эса ўзи жавобгар билан оила қуриб яшамаганлигини, ўрталаридаги никоҳлари 1999 йил 14 декабр куни Нарпай туман ФҲДЁ бўлимида қайд этилганлигини, бироқ шу бўлим томонидан берилган маълумотномада 1999 йил 14 декабр куни у билан жавобгар У.Ҳ. ўртасида никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзуви мавжуд эмаслиги маълум қилинганлигини билдириб, 1999 йил 14 декабр куни Нарпай туман ФҲДЁ бўлимида қайд этилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2009 йил 24 апрелдаги ҳал қилувқарори билан даъвогар У.Л.нинг даъвоси қаноатлантирилган ва даъвогар У.Л. билан жавобгар У.Ҳ.лар ўртасида 1999 йил 14 декабрда расмийлаштирилган никоҳ у тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, даъвогар Ш.С. жавобгар Б.М.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, унда 2009 йил 9 июнь куни жавобгар Б.М. билан қонуний никоҳдан ўтган бўлса-да, тўй-томоша билан турмуш қурмаганлигини, жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиш масаласида ота-онаси билан маслаҳатлашмаганлигини, шунингдек, жавобгар у билан қонуний никоҳдан ўтгунига қадар бошқага турмушга чиққанини билмаганлигини жавобгар олдин турмуш қурганлигини яширганлигини, бу эса ўзининг яқинлари билан муносабатининг бузилишига сабаб бўлганлигини, гарчанд қонуний никоҳдан ўтган бўлсалар-да, улар бир кун ҳам эр-хотинлик муносабатида бўлмаганликларини билдириб, жавобгар Б.М. билан ўрталарида 2009 йил 9 июнда Каттақўрғон шаҳар ФҲДЁ бўлимида қайд этилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2009 йил 3 августдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида тузилган сохта никоҳ тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилган.



Бундан ташқари, айрим ҳолларда эса тарафлар қонуний никоҳда турганликларини яширган ҳолда иккинчи марта қонуний никоҳдан ўтишга ҳаракат қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Хусусан, фуқаро С.Ҳ. Пахтачи туман ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, ўзи қонуний никоҳда турмаслигини билдирган ва мазкур бўлим томонидан фуқаролар С.Ҳ. ва Б.Г.лар ўртасида никоҳ қонуний тартибда расмийлаштирилгандан сўнг С.Ҳ. бошқа шахс билан қонуний никоҳда туришлиги ва уларнинг никоҳлари бекор қилинмаганлиги маълум бўлиб қолган. Натижада, ФҲДЁ бўлими мудираси ўзи расмийлаштирган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг шу йил 9 июндаги ҳал қилувчи қарори билан расмийлаштирилган никоҳ ҳам тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилди.

Қонунда белгиланган никоҳ тузиш шартлари бузилиб қайд қилинган никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, масалан, никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари бўлмаса, бошқа бекор қилинмаган никоҳ мавжуд бўлса, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, яъни туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга кирган ҳолатлар киради. Тарафларнинг ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай қайд қилинган никоҳлар (сохта никоҳ) ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириб чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори мазкур никоҳнинг қайд қилиниш факти ҳуқуқий муносабатнинг, яъни никоҳнинг вужудга келтирилмаганлигини эр ва хотин учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмаганлигини тасдиқлайди. Аммо никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бундай никоҳда бўлган даврда туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди. Улар ҳақиқий никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар каби тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Шунингдек, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, суднинг ҳал қилувчи қарори қонуний кучга кирган кундан эмас, балки никоҳ қайд қилинган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Шунинг учун эр-хотин ўртасидаги «Оила кодекси»да назарда тутилган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий-ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Эр ёки хотиннинг никоҳи ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ қайд қилинган вақтдаги танлаган фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

**Бахтиёр АБДУРАСУЛОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг судъяси.**

ТАҚДИР

# ЎЗБЕККА АЙЛАНГАН РУС ҚИЗИ

Қишлоғимизда Людмилахон деган мунис бир аёл бор. Аммо уни кўпчилик Мавлудахон деб чақиради. Ўзиям шунга ўрганган. Қайнонаси Мақсуда хола ҳам, турмуш ўртоғи Қўшоқмирза ака ҳам «ҳамма сизни Мавлудахон деб чақириб ўрганиб қолди, келинг, ҳужжатларда ҳам шундай деб ёздирайлик» дейишса у кўнмапти.

— Нега рози бўлмагансиз, ахир исмингизни айтмаса сизни ҳеч ким рус аёли демайди-ку, — дея сўраб қолдим ундан.

— Худди шунинг учун ҳам исмимни ўзгартирмадим-да, — дейди у кулимсираб.

Исмимни онам — Александра Рябикина дадам — Нишонбой Хўжаевнинг розилиги билан қўйган эканлар. Билсангиз, ота-онам бир-бирларини шунчалар яхши кўришганки, бундай муҳаббатни тасаввурингизга ҳам сиғдиролмайсиз. Дадам онамнинг кўнглини кўтариш учун Людмила деб гувоҳнома олган бўлсалар, онам у кишининг шодлиги учун менга ҳамиша ўзбекча кийим-кечак кийдирган, ўзбекча уй тутумларини билганича ўргатган. «Сен ўзбексан» деган сўзларни қулоғимга қуйишдан чарчамаган.

— Ростдан ҳам ҳеч рус қизига ўхшамайсиз. Сочингиз, кўзларингиз қоп-қора. Юзингиз тиниқ, оқ...

— Айтсам, ишонмаслигингиз мумкин, — деб кулади суҳбатдошим. — Сочларим олтинранг бўлган экан. Аммо онам раҳматли қорасоч бўлишимни жудаям хоҳлаган эканлар. Шунда дадам ҳазиллашиб, «етти ёшгача сочларини устарада олдириб, Оллоҳдан астойдил тиласак қорасоч чиқади» десалар, онам чиппа-чин ишониб, ҳар гал сартарошга кетганимиздан кейин Худодан сўраркан. Учинчи марта устара кўргандан кейин сочларим кутилмаганда қоп-қора чиқибди. Онам хурсанд бўлганларидан, «Худо ҳаққи, чин дилдан сўраганга бераркан, мен ҳам мусулмонман», деган эканлар...

Дадам билан онам аслида Тошкентда танишишгани учун бир оз муддат шу ёқда яшадик. Кейин ота макон Андижонга кўчиб келганмиз. Кейин эса тақдир экан, Олтинкўлга келин бўлиб тушдим. Қишлоғимиз ўзингизга маълум, деҳқон қишлоқ, шунга янаям мослашдим. Қайнонам раҳматли жуда яхши аёл эдилар. «Ўзим совчи бўлиб бориб, ўзим ёқтириб олган келиним» деб билмаганимни ўргатди, билганимни эса элга мақтаб кўрсатди. Томорқамиз катта, зарурда ер чопамиз, экин экамиз, суғорамиз, ҳосилини йиғиб, жойлаштирамиз. Тандир тўла нон ёпардим, супра-тахта, ўқлов, жува ишларини ҳам қайнонам маромига етказиб ўргатганлар. Мана, Худога шукрки, уч қизу бир ўғил кўрдик, катта қилдик.

— Рус тилида янграйдиган қўшиқ ёки мусиқаларни эшитсангиз дилингиз тўлқинланиб кетса кераг-а?

— Албатта, руҳимга яқинлиги боис беихтиёр юрагим ҳапқиради. Шўх, ўйноқи частушкаларни қўшилиб айта бошлайман. Нега шунақа, ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Томирим тортса керакда.

— Қўшоқмирза ака буни қандай тушунадилар?

— Тўғри қабул қиладилар. Ҳар бир кишида садоқат бўлиши керак-ку, ҳадиси шарифларда айтилганидек. Йигитга туғилган жойи Ватан, аёлга эса эри туғилган замин муқаддас. Мен учун Олтинкўл кичкина бир Ватан. Шу ердан бошқа жойда яшашни тасаввур ҳам қилолмайман. Назаримда ҳамма гап муҳаббат ва меҳрда, садоқат ва ҳурматда.

Мен Ўзбекистонликман, ўзбекман. Оиламга, маҳалла-кўй, қишлоғимга қараб туриб, бундан фахрланаман ҳам. Шу ўринда онамни, унинг миллатини ҳам ҳурмат қиламан, унутолмайман. Ахир дадамга муҳаббат қўйиб, менинг бугунгидай бахтли ўзбек бўлишимни истаб, юрагимга меҳр сингдира олган онажоним эмасми?..

Мавлудахоннинг ҳаяжон ила айтган бу гапларини эшитиб, унинг ақлли, фозила аёл эканига яна бир бор ишондим. Офтобаликлар ҳурматини қозонгани ҳам бежиз эмаслигига ишондим.

Мавлуда (Людмила)хоннинг фарзандларини яхши танийман. Тўнғичи Санобар қишлоқнинг энг латофатли қизи бўлган. Қўрғонча қишлоғига келин бўлди, ҳозир тўрт фарзанднинг онаси, моҳир чевар. Майрамхон бўлса, қишлоғимиздан чиқмади. Мен яшайдиган маҳалланинг келини. Унинг ҳам уч фарзанди бор. Умидахон ҳам опаларидан кам эмас. Бир оиланинг иззатли келини. Қуда-андалар кўз тегмасин, ниҳоятда аҳил. Ўғли Улуғбекнинг икки фарзанди бор.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир.

Оила деган муқаддас, муҳташам қаср эгаларида бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат бўлса, Ватанига, элига садоқат бўлса, бу маконда унган гуллар албатта, ифорли бўлиши тайин. Бунга ўзбекча кўйлаклари ярашган, ёши элликдан ошса ҳам қора сочига оқ ораламаган, шаҳло кўзлари, кулча юзлари истаралик Людмила- Мавлудахон ва Қўшоқмирза акалар оиласи, уларнинг тўрт фарзанди, ўн икки набираси мисол бўла олади.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

НИГОҲ

# БОЛА ЁЛҒОННИ КИМДАН ЎРГАНАДИ?

Боланинг тили ширин, дейишади. Унинг айтаётган ҳар бир сўзига ҳайрат билан қулоқ тутамиз ва бизга тақлид қилиб сўзлаётганидан бошимиз кўкка етади. Фарзандларимизни ўзимизга қараб бўй рослаётгани қандай яхши. Аммо кейинги вақтларда айрим оилаларда ўсаётган болаларнинг ёлғон гапиришни одат қилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, ҳали яхши-ёмоннинг фарқига бормаётган болалар нега катталарни алдашга уриняпти? Улар буни қаердан ўрганишаяпти? Бу саволларга жавоб топиш учун энг аввало болаларнинг ўзлари билан суҳбатлашиб кўриш, ўзаро гапсўзларига қулоқ тутиш керакка ўхшайди.

Кунларнинг бирида ишдан қайтаётиб, автобусда ёшгина она билан қизчасининг ёнига ўтириб қолдим. Уларнинг гапсўзларидан англадимки, жувон қизи билан дугонасиникига борган-у, кўпроқ гаплашиб қолиб кетган. Бир пайт унинг телефони жиринглаб қолди.

— Биз ҳозир уйга қайтяпмиз, Нафисангиз боғчадан чиқибоқ, "айлантириб келасан", деб йиғлаб туриб олди. Шунга, бироз кеч қолдим, — деди жувон. Энг қизиғи, шундан сўнг бошланди. Қизалоқ ҳам анойи эмас экан.

— Аяжон, мени айлантиришга олиб бормадингиз-ку! Ўртоғингизникидан келяпмизу... — деди у норози қиёфада бош чайқаб.

— Асалим, уйга борганда дадангга, "росаям айланишга боргим келувди, шунга хархаша қилиб қўймадим, аям иложсиз қолганидан мени хиёбонга олиб бордилар", дегин, хўпми, — боласига ялинди аёл.

— Мен алдашни билмайман, — қайсарлик билан лабларини чўччайтирди қизалоқ.

— Ўзимнинг эрка қизим, агар дадангга шунақа десанг, дўконга кириб, истаган ўйинчоғингни, хоҳлаган ширинлигингни олиб бераман, майлими?..

Бу гапни эшитган қизчанинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Хўп, аяжон... — деди у кўзлари чарақлаб...

Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай муомаладан кейин фарзандларимиз нафақат ёлғон гапиришни, балки таъмагирликни ҳам ўрганмайдилармикан?..



Ёши ўтиб бораётган кексалар эса невараларининг ёлғон гапираётганидан ташвишда. Тошкентлик Насиба опа неварасининг ёлғон гапиришга одатлангани ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Набирам Гулноза жуда маҳмадона бўлган. Яқинда мен билан уч-тўрт кун турди-ю, сал бўлмаса уйдаги набираларимни ҳам ёлғонга ўргатай, деди. "Мадина юр, боғчанинг ҳовлисига чиқиб ўйнаймиз" деди бир куни. "Кўчадан машиналар бир ўтиб туради, боғчага ўтиб ўйнашимизга бувим рухсат бермайдилар", — дея норози бўлса, у нима дейди денг: "У ёққа борганимизни айтмаймиз, "қўшниникида ўйнаётувдик», деймиз, —деди Гулноз. Гапларини эшитиб турган бўлсам ҳам, ўзимни билмагандек тутдим. Иккаласи оёқ учида юриб, дарвоздан чиқиб кетишди.

— Мадина, Гулно-о-за, — деб чақирдим бироздан кейин.

— Сенга нима дегандим, ҳозир бувим бизни роса уришади, юр уйга, — деди аччиқланган Мадина Гулнозанинг қўлидан тортқиларкан.

— Жинни, шунга ҳам қўрқасанми, йўлдан тезроқ ўтиб олсак, билмайдилар, юр тез, — уни овутган бўлди Гулноза.

— Қаёқда, юрибсанлар? — дедим.

— Бувижон, биз ҳалиги... — боғча томонга бир қараб олган Мадина гапини охирига етказа олмади.

— Шу ерда эдик, бувижон. Манави тутнинг соясида ўйнаётувдик, —деб бидиллаб кетди Гулноза. Ёлғон гапираётиб тутилиб ҳам қолмади.

Эртасига набираларим музқаймоқ еб юришган экан.

— Музқаймоққа пулни ким берди? — сўроққа тутдим уларни.

— Дадам билан ойим, — деди Гулноза кўзларини пирпиратиб.

Болаларнинг тушлигини бергач, қизимга қўнғироқ қилдим.

— Гулнозанинг қўлига пул бериб кетганингни нега менга айтмадинг?

— Унга пул бермаганман, ойи. Ўзи кейинги пайтда кўп ёлғон гапирадиган бўлиб қолган. Кўзингизга қараб туриб, алдаб қўяди.

— Қизинг ёлғонни қаердан ўрганибди?

— Бегона билан ўйнамайди, ҳамиша аммаси билан бирга. Қайнсинглим Зилолани биласиз-ку, яқинда коллежни тамомлайди.

Шундан кейин "пулни қаердан олдинглар?" деб болаларни астойдил қистовга олдим. Ниҳоят Шерзодим чидаб туролмади:

— Гулнозангиз қўшнимиз Гавҳар холадан олиб чиқди, — деди кўзларини жавдиратиб.

— Нима, қўшниям пулни индамай беравердими? — деди буви...

— Бувимнинг юраклари оғриётган экан. Ёнларида пуллари қолмабди. Шунга дори олиб келарканмиз, деганди, Гавҳар хола пул бердилар, — деди Мадина йиғламсираб.

— Ҳамма пулга музқаймоқ олиб единглармиΩ?

— Ҳа, билмасдан еб қўйибмиз, — бурнини тортиб, жавоб қайтарди Гулноза.

— Нимага ёлғон гапирасан, "эртага ҳам музқаймоқ еймиз", деб, пулнинг ярмини яшириб қўйдинг-ку, — уни елкасига туртди Шерзод...

Бу ҳикояни эшитгач, болаларнинг ёлғон гапириши юқумли иллатлардан бири эканлиги ҳақида ўйлаб қолдим.

Шу ўринда кўпчилик хонадонларда такрорланиб турадиган бир ҳолат бор: кимдир эшикдан сўраб келса, ёки телефонга чақириб қолса, чарчаб турган ота-оналар болаларига, "Мени уйда йўқ деб айтинглар", дейишади.

Ҳали ёлғон гапиришга ўрганмаган бола ҳафтада бир кун ёлғон гапирса, кейинчалик сира ҳам қийналмайди. Шу тариқа билибми, билмайми, уларни алдашга ўргатиб бораверамиз.

Болалар уйда ота-онасидан, ака-опасидан, тарбиячи опаларидан ҳар куни бир чимдим ёлғон гапни ўрганадилар. Бугуннинг боласи жуда зийрак, ақлли. Улар билан ҳушёрроқ муомалада бўлмасак, бир кун келиб, фарзандларимиз одатланган ёлғон, юзимизга тарсаки бўлиб тушиши ҳеч гап эмас.

**Ҳамробону МУСУРМОНОВА**

КУЗАТУВ

# ИНТЕРНЕТДАГИ ХАТОЛИКЛАР

Бугунги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони рекорд даражага етмоқда. Бу «сеҳрли» олам билан ёшу қари баб-баравар боғланишни истаётир. Лекин бу масалада барибир ёшларнинг қизиқиш-истаги тарозининг оғир палласини босиб кетаётгани ҳам сир эмас. Энг қизиғи, кўнгил истаган мавзуга боғлиқ маълумот-материалларни топиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Эътиборли жиҳати, ҳозирда турли соҳага мўлжалланган, деярли барча мавзуларни қамраб олган ўзбек тилидаги сайтларнинг ҳам чеки кўринмай қолди. Бу албатта, қувонарли ҳолат. Шундай интернет-сайтлари орасида, айникса, кўнгилочар мусиқий сайтлар ёшларимиз эътиборини қозонаётгани яхши.

Бироқ баъзан дилни хира қилувчи ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлаяпмизки, бу ҳақда бонг уриш жоиз деб ўйлайман. Бу эса ушбу сайтлардан фойдаланувчиларга тақдим этилаётган маълумотлардаги матнларнинг имло хатолари билан ёзилишидир. Албатта, бу эътироз ҳамма сайтларга ҳам тегишли эмас. Афсуски, бу сўзларнинг қандай ёзилишини бошланғич синф ўқувчилари ҳам жуда яхши билади. Мисол учун ёшлар орасида машҳур бўлиб улгурган **dvstudio.tv** сайтида учраган хатоларни келтириб ўтаман: **мурожат, мувоффақият, малум (тутуқ белгисисиз), тўхталиб, ижот.** Ушбу сўзларнинг тўғри ёзилишини барчамиз яхши биламиз. Бу фақат мен пайқаган хатолар. Ёки бўлмасам **shou-biznes.uz** сайтида **«дилтотар»** деган сўз кўзим тушди. Аввалига бу сўзнинг маъносини тушунмадим. Кейин унинг **«дилтортар»**лигини англадим. Мен бундай хатоликлар фақат кўнгилочар сайтларда учраса керак деган хаёлда эдим. Аммо ўқувчи ва талабаларнинг (қолаверса, менинг ҳам) энг севимли сайти **referat.uz**га кирганимда яна шу тахлит хатоликларга дуч келдим. Масалан, «шахсий» ва «тариҳ» сўзлари. Мусиқий сайтлар-ку, майли, лекин рефератлар, ижодий ишлар тўплами йиғилган сайтда имло хатоларининг учраб туришини қандай тушуниш мумкин?..

**Дилноза МИРЗАЁКУБОВА, ЎзДЖТУ талабаси.**


## AK STAR VERDI «МАРҒУБА» САЛОНИ

*5000 хилдаги «ЭЛИТА» услубидаги пардалар, Ҳар хил турдаги келин кўйлаклари тикамиз (ижарага ҳам берилади).*

- *Сартарошхона,*
- *Соч турмаклари,*
- *Макияж,*
- *Маникюр,*
- *Педикюр хизматлари кўрсатилади.*
- *Таклифномалар, визиткалар тайёрланади.*




**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний 1-Б, 2-уй, 7-секция.
**Мўлжал:** «Тинчлик» метроси.
**Мурожаат учун телефонлар:** 242-86-30, 537-77-73, 170-70-50.



## «ФАН» ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

***Абитуриентларни қуйидаги таълим йўналишлари бўйича 2010 йилги давлат тест синовларига кафолатли тайёрлайди:***

**Ижтимоий йўналиш:** тарих, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент юридик институти, Тошкент милиция академияси, Тошкент олий божхона институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва бошқаларга).

**Иқтисодиёт йўналиши:** математика, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент молия институти, Тошкент иқтисодиёт университети ва бошқаларга).

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия институти, Тошкент фармацевтика институти ва барча тиббиёт институтларига ва тиббиёт коллежларига).

**Техника йўналиши:** физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университети ва бошқаларга).

Ётоқхона бор. Марказ барча фанлар бўйича юқори малакали ўқитувчиларни танлов асосида ишга таклиф қилади.

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, «Чилонзор» ва «Мирзо Улуғбек» метролари оралиғида, 44-А бино, 6-қават.
**ТЕЛ: 244-96-99, 273-97-76, 719-52-50, 338-41-03.**

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

# ЧИМИЛДИҚДА ТУТГАН «ДАРД»

Яқинда бир аёл тўйга айтиб кетди. Қўлимга тутқазган зарҳал ҳарфли таклифномага кўз югуртирар эканман, унинг қиз узатаётганини англадим. Айтилган куни кўплашиб, хонадонига кириб бордик.

Шаҳарнинг қоқ ўртасидаги ҳовлининг дарвозасиёқ, ақлингизни шоширади. Икки қаватли уйнинг ҳашамдорлигини кўриб, айрим аёллар ҳайратини яшириб ҳам ўтиришмади.

— Во-о-ой, бунақа уйни тушимда ҳам кўрмаганман, тўғриси! Саройнинг ўзгинаси-ку! — деса бири, иккинчиси билағонлик қилди:

— Машҳурахонни-ю ўн йилдан буён чет элда бекорга юрибди деб ўйлаяпсизми?! Мана шуларнинг ҳаммасини ўша ёқдан топиб келганига қурган-да!

— Ҳали сизлар қизига қилган сепини кўрмабсизлар, — гапга қўшилади учинчи аёл.



Хонадон соҳибаси, яъни ўн йилдан буён ўзга давлатда ишлаб, яқинда юртига қайтган (ўзининг айтишича, шунда ҳам мажбурият юзасидан келганмиш, қизига яхши жойдан совчилар келиб, узатадиган бўлмаганида, ҳали-вери қайтиш нияти йўқ экан) аёл хонзодалардек эриниб-эриниб қадам ташлаб, бизга пешвоз чиқди. Гапнинг очиғи, унинг эгнидаги либосу, бўйни, қулоғи, бармоғию билагидаги тилла тақинчоқларнинг пулига сал мундайроқ ҳовли сотиб олса бўлади. Шундай бўлгач...

Хуллас, биз меҳмонлар шоҳона дастурхонга таклиф этилдик. То дастурхондан тургунимизча, гап мавзуси хонадон эгасининг уддабурронлигию топармон-тутармон эканидан четламади. Қайтар чоғимизда келиннинг сепини кўришга қизиқдик. Сара матолардан иборат сеп, «импорт» мебеллар, антиқа усулда тикилган дарпардаларни кўриб, кўплар дилидаги ҳавас (эҳтимол, ҳасад ҳам) ўти яна бир карра аланга олди.

Меҳмонлар келинга бахт тилаб, бирин-сирин ташқарига йўналди. Мен ҳам тўй эгаси — бўлғуси қайнонани бағримга босганча юракдаги тилакларимни айтдим:

— Ҳаммаси буюриб насиб қилсин, опа. Энг асосийси, борган жойида бахт топсин!

Ногаҳон бир зум аввал юзида қувонч, андак кибр уфуриб турган аёл негадир жиддий тортди.

— Илойим, айтганингиз келсину... Лекин бахтли бўлишига кўзим етмаяпти, синглим!

— Тўй бошида турибсиз, яхши ният қилинг, опа, — дедим кўнглим қандайдир нохушликни сезса ҳам.

— Майли, хотиржам би-ир гаплашармиз-а?

— Албатта, келинчакни йўқлаб борамиз ҳали. Ҳаммаси яхши бўлади, худо хоҳласа.

— Илойим, айтганингиз келсин...

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, иш-ташвишлар билан бўлиб, ўша аёлнинг хавотирли нигоҳларини эсдан чиқариб юбордим. Бир ойдан кейиноқ аёлларнинг оғзидан ўша опа тушмай қолганини сезиб, ўйлаб қолдим. Кунларнинг бирида уни кўчада учратдим. Аввалги савлатидан асар йўқ, кўзлари ичига тортиб кетибди, кўриниши афтодаҳол.

— Тобингиз йўқми дейман? — сўрадим хотинлар оғзидаги «ўзи қизини икки марта уйланган одамга узатган экан, аммо куёв уни уч кунда уйига қайтариб ташлаб кетибди, келинчак гиёҳванд экан, чимилдиқда «дарди» тутиб қолибди!» деган миш-мишлар ростми» деб сўрашдан истиҳола қилиб.

— Вой, бошингга нима ташвишлар тушди деб сўранг, айланай сингилжон! Тобим қочса гўрга эди, тезроқ бу азоблардан қутулармидим...

Гоҳ йиғлаб, гоҳ ёзғириб сўзлашларидан англадимки, фарзанди саккиз ёшлигидаёқ ўзга юртга пул топиш дардида кетган аёл қизини уйланган, икки боласи бор ўгай (!) укасига ишониб ташлаб кетган. Аммо...

Ҳа, ўйлашга ҳам қўрқасан киши. Бор ҳақиқат шуки, Кўп йиллардан бери гиёҳванд модда истеъмол қилиб юрадиган ўгай тоға ўз жигари — жиянини бадном этишдан ҳам қўрқмаган!

«Қизимга қараяпти» деган хаёлдаги она эса бу гаплардан бехабар, «меҳрибон укаси»га ҳар ойда бир неча юз доллардан жўнатиб ҳам турган!

Айб кимда? Бегуноҳ қизнинг жавоби кимнинг бўйнида? Палид тоғанингми ёки пул, бойликка ҳирс қўйган онанинг? Жавоб топиб бўларканми бу оғир саволларга? Тиллаларга бурканган она гулдай боласининг беғуборлиги, бахти, саломатлигини доллар эвазига қайтариб ололса кошкийди?..

Энг ёмони, ҳали ўн тўққизга тўлмаган қиз ўзига оғир дард ҳам юқтириб олган — гиёҳвандга айланиб улгурган...

— Қандоқ орзуларим бор эдия! Ҳаммаси армонга айланди, армонга! Ўз жигарим юрагимга тиғ урди, юрагимга! Бу аламларга қандай чидайман? Ўша куни — тўйда менга ҳамма ҳавас қилувди? Қани энди, бир бечораҳол аёл бўлсаму, боламнинг бахтини кўрсам. Менга ҳавас қилманглар, азизларим, асло ҳавас қилманглар!!!

Бу унинг мен эшитган сўнгги сўзлари экан. Негаки, у бу кўргиликларни кўтара олмади. Тез орада «юрак хуружидан касалхонада вафот этибди» деган нохуш хабарни эшитдим...

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

НИМА ДЕЙСИЗ?

# SMS ХАТ ЭМАС!

Телефоннинг яратилиши инсоният учун беқиёс имкониятлар эшигини кенг очгани сир эмас. Уяли алоқа эса тезкорлиги ва қулайлиги билан ўзига хос ҳодиса бўлди. Тез боғланиш орқали зарур маълумотларни алмашиш телефонларнинг асосий хусусиятидир. Ҳозир деярли ҳар икки кишининг бирида телефон бор. Унинг қатор фойдали жиҳатларини санашимиз мумкин, лекин ҳар бир нарсанинг, инчунун, телефонларнинг ҳам салбий тарафлари мавжудлигини инкор этолмаймиз. Телефон кишини кам ҳаракатли, эринчоқ, дангаса қилиб қўйиши мумкин. Ҳозирда телефон ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасидаги рақобат кучайиб, кундан-кунга уяли алоқа воситаларининг янги кўринишга ва турли имкониятларга эга бўлган турлари ишлаб чиқарилмоқда. Дунёнинг «NOKIA», «SAMSUNG», «SONY ERICSON» каби компаниялари бу борада етакчилик қилмоқда.



Қўл телефонларининг инсонга салбий таъсирига боғлиқ бир мисол:

Телефон орқали интернет тармоғига улана олиш ҳеч ким учун янгилик эмас. Бу эса ўз навбатида фойдаланувчига бир жойдан туриб деярли ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмай интернетга уланиш имконини беради. Шу орқали инсон эринчоқ, тайёр, автоматик қурилмалардан осонгина фойдаланишга ўрганиб қолади.

Шунингдек, суратда телефон орқали хат, яъни sms жўнатиш ва қабул қилиш имкониятидир. Асосан, бундай sms хатлар қисқа хабар ва маълумотларни етказишда қулайдир. Чунки у орқали катта ҳажмдаги хатларни юбориб бўлмайди. Улар одатда узоғи билан 1000 та ҳарфдан (турли мобиль телефонларида ҳар хил) иборат бўлиши талаб этилади. Бундай хатлардан деярли барчамиз ҳар куни фойдаланамиз. Баъзан улар ишимизни осонлаштириб, вақтни тежашда ёрдам беради. Аммо ҳозирги ёшлар орасида турли мазмундаги шеърларни, «бекорчи» хатларни sms орқали йўллаш урф бўлган. Ёки бўлмаса, телефон компанияларининг алоқа оператори томонидан йўлланадиган smsлар баъзан тинимсиз телефонга келавериб, асабга тегади. Бундай хабарлар об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар, қайси рақамга қўнғироқ қилиш орқали дўст топиш, турли хил бўлар-бўлмас қўшиқ-мусиқаларни телефонга жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлардир. Эътибор беринг:

«Wi znaete kak poznakomit`sya? Zvoni 0586! Zhivoe obshenie na mobil`nih znakomstvah! Sotni novih druzey i podrug jdut tebya! Zvoni 0586! 0,75$/1min».

Бир ўқишда гап нима ҳақидалигини тушуниш қийин. Шунга қарамай, бу каби smsларнинг фойдали жиҳатлари ҳам бор. Мисол учун об-ҳавонинг ўзгариши ҳақидаги sms. Уни қабул қилган мижоз сергак тортади ва шу об-ҳавога ўзининг тайёргарлигини кўради. Унинг бу жиҳатини эътиборга олиш керак.

Гап шундаки, бугун телефонларда (айниқса, ёшлар орасида) айланаётган, жўнатилаётган хатлардаги матнлар тил қоидаларини бутунлай инкор этади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу sms хатлар шевада қандай эшитилса, шундай ёзилади.

«Yaxshi raxmat, yuriman. O`zin qalesan? Xabar oganin uchun raxmat. Shunaqa yozib tur. Yaxshi dam ol.»

Ҳар куни шу тарзда хат ёзган инсон кундалик ҳаётда, ўқишда, ишда, ёзув ишларида айнан шу қоидани қўллаб юбориши ҳеч гап эмас.

Сир эмаски, бугунги кунга келиб, анъанавий мактублар ўрнини sms хатлар эгаллаб улгурди. Аммо улар ўртасида катта фарқ бор. Бугун менинг назаримда, почта хизматидан саноқли инсонларгина фойдаланади. Электрон почта орқали жўнатиладиган хатлар бундан мустасно, албатта.

Хат (анъанавий мактуб) ёзишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири у имло қоидалари ва ҳуснихат — чиройли ёзувни янада шакллантиришда ёрдам беради. Sms ёзаётганда эса биз одатда ҳеч нимага, айниқса, имло қоидаларига эътибор бермаймиз. Хатларни жўнатишдан мақсад, у орқали sms ўқувчи инсон бизни бир амаллаб тушуниб олса бас.

Мен хат ёзиш ва уни ўқиш қанчалик завқли иш эканлигини дадамнинг ҳарбий хизматдан уйга ёзган хатларини ўқиганимда ҳис қилдим. Узундан-узоқ, соғинчга тўла хатларини ўқиганимда, дадамнинг ўша пайтдаги кайфияти, яқинларига муносабати, самимий ҳолати кўз ўнгимда гавдалангандек бўлди. Оиласидан, яқинларидан узоқда бўлган инсон учун ўз соғинчини, ички кечинмаларини изҳор қилишнинг энг яхши воситаларидан бири бу хатдир, менинг назаримда.

Хўш, унда ҳозир телефон орқали ёзилаётган SMSларни хат ёки мактуб деб бўлармиди? Улардаги тўрт оғиз гапда сизу биз истаган туйғу йўқ. SMSлар қуруқ баён, оддий хабардан бошқа нарса эмас. Шу боис ота-боболаримиз қадрлаб келган, ҳатто бир замонлар жанр даражасида тан олинган хат-мактубларнинг оҳорини тўкиб қўймайлик.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# КЕЛИНЛАР ТАНЛОВИ

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

***Булунғур туманида ўтказилган ушбу тадбир кўпчиликка манзур бўлди.***

Тадбирда ёш келинчакларнинг рўзғор юмушларини қандай бажара олишларидан ташқари зеҳну фаросати, саломатлик, одоб-ахлоқ, фарзандлар тарбияси бобидаги фикрларига ҳам баҳо берилди.

— Бугун юртимизда оналар соғлигига эътибор юқори, одамлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилаяпти, — дейди **Булунғур туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Мамадиёрова.** — Маҳалла, поликлиника, ҚВПларда давра суҳбатлари, мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказилмоқда.

Туманимизда 76 мингдан зиёд хотин-қизлар истиқомат қилиб, улардан 37 мингдан ортиғи туғруқ ёшидаги аёллардир. Шу йил давомида хайриятки, туманимизда оналар, болалар ўлими қайд этилмаган. Аслида аёлларнинг жуда кўп хасталиклари эрта турмуш қуриш ёки соғлом турмуш тарзига риоя қилмаганлигидан келиб чиқади. Шукр, бугун туманимизда маълум бир касбга эга бўлиб, кейин турмуш қураман деган қизлар анча кўпайган. Шунингдек, турмуш қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтиш тузилажак ёш оиланинг келажаги учун ҳам яхши бир имконият бўлди. Лекин баъзида никоҳдан ўтувчи ёшлар тиббий кўригига эътиборсизлик билан қараётганлар ҳам бор. Шу боис ота-оналар фарзандларини бунга даъват этишлари, тарғибот ишларини ҳам кучайтириш лозим. Бунда эса фақатгина суҳбат, учрашувлардан ташқари бугунгидек кўрик-танловлардан ҳам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Танловда келинлар пазандачилик, тикувчилик ва бошқа маҳоратлари билан бир қаторда оилалардаги соғлом турмуш тарзи, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги тушунчаларини ҳам намойиш этишди.

— Келинлар аввало, ўзларини ўша оиланинг аъзоси сифатида ҳис қилишлари лозим, – дейди танловда «Энг мукаммал суперкелин» номинацияси ғолибаси бўлган Бахтинисо Ғаниева. — Кейин турли майда гап-сўзларга эътибор бермай, рўзғор ишларини «юк» сифатида қабул қилмай, очиқ чеҳра билан бажариб юрсалар, марра уларники бўлади, менимча.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**«Ҳар дарёнинг кемаси бор, пардоз-андознинг чамаси бор» дейди доно халқимиз. Аёл нафосати, ички гўзаллиги, дид-фаросатини кўрсатадиган омиллардан бири — бу нафис кийиниш, ўринли ва меъёрида пардоз қила билишдир.**

ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

# ЧИРОЙ КИЙИМДА ЭМАС

Инсон ўзининг ёши ва қиёфаси, танасининг рангига монанд, озода, кўркам кийиниши лозим. Албатта, бунда замон талаби ҳам ҳисобга олинади. Зеро, кишининг кийган либоси унинг дид-фаросати, ақл-заковати ва табиатини кўрсатувчи ойнадир. Одатда ҳар бир маданиятли инсон уйида, иш жойида, сафарда, дам олиш сиҳатгоҳларида, кино ёки театрда, тўй-ҳашамларда ёинки бошқа жойларда бўлсин, ўша жойнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олган ҳолда кийиниб, пардоз қилиши зарур. Аммо афсуски, ҳозирги ёшлар орасида айримлари ўзига ярашадими, йўқми буни ҳисобга олмай, мода изидан қувадилар ёки ҳаддан ортиқ пардоз қилиб, ўзларини бачканалаштириб юборадилар. Ҳатто, сатанг ёки башанг кийинишни ўзларича юксак маданият белгиси деб биладилар.



Афсуски, гоҳи баъзи йигит-қизларни кийимидан, сочидан, умуман, ташқи қиёфасидан қайси жинсга мансублигини ҳам ажратиб бўлмай қолган. Ҳозирги вақтда сочи елкасига тушган йигитлар кўпайгани қолиб, сочларини ҳатто, қизларникидай тўноғичлар билан турмаклаб қўядиган йигитлар ҳам учраб туради.

Маълумки, одобли, маданиятли одам бўз либосга ўралса ҳам чиройли, нодон зарга ўралса ҳам хунук, чунки кишининг чиройи кийимда эмас, балки, унинг ақлу фаросатига, одобига, хулқига, шарму ҳаёсига боғлиқ. Танадаги нуқсонни кийим билан яширса бўлади, аммо хулқ-атвордаги айбни ҳеч қандай шоҳона либос беркита олмайди.

Пардоз-андоз ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, бу борада ҳам доно халқимизнинг ўзига хос анъаналари бор. Кишини хушрўй, муаттар бўлишга ёки соғлигини сақлашга ёрдам берадиган гигиеник талабларга мувофиқ пардоз-андоз қилиш ғоят ўринли ҳамда фойдалидир. Ҳамманинг ҳам кўркам, хушбичим бўлгиси, чиройли кўрингиси келади. Халқимизда ҳатто, «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Айниқса, хотин-қизларнинг зебо бўлиб, озода, ораста юришлари, уларнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Аммо, пардоз-андознинг ҳам меъёри бор.

**Забаржад АҲМЕДОВА — врач-косметолог:**

— Қадим замонлардан буён аёллар гўзал кўриниш учун махсус парфюмерия маҳсулотларидан фойдаланишган. Яъни, ҳидли мойлар, атир ўрнида ишлатиладиган хушбўй, табиий, ҳўл ва қуруқ суртмалар, қош ва киприклар учун махсус тайёрланган ёғли ва кукунли сурмалар, қош ўстирувчи, ёноқларга ранг берувчи бўёқлар бўлган. Давр тақозоси билан буви ва оналаримиз ишлатган пардозлар мукаммаллашиб, ўзгариб ҳозирда бутунлай бошқача тус олган. Энг муҳими, бу ашёлар барча аёлларни қизиқтиради. Ҳатто, ҳозир 13-14 ёшли балоғат ёшидаги қизлар ҳам пардоз-андозга берилиб кетмоқда. Ҳавас яхши, аммо бу қизалоқлар ҳозирдан ойна олдида ўзларининг табиий гўзаллигига сунъий буёқлар орқали ҳадеб оро бераверib, юз териларини жароҳатлаб, кейин афсус билан косметологга мурожаат этишади. Билиб-билмай ҳар хил нарсаларни юзига суртавериш эса эрта ажин тушиши, доғ ва ҳар хил ҳуснбузарлар тошишигача олиб келадики, натижада бу ёшлар кейин, ҳатто жарроҳлик йўли билан даво излашга мажбур бўладилар.

Юз терисининг ранги, қуруқ ёки ёғли эканлигини ҳисобга олган ҳолда табиат инъом қилган арзон ва қулай неъматлардан фойдаланган минг марта аъло. Юз териси жудаям нозик, албатта, уни аяш лозим. Бунинг учун бугунги кунда рўзғорга ишлатиладиган маҳсулотлар: помидор, бодринг, қулупнай, ўрик, олма шарбатлари, ҳар хил мевалардан тайёрланган ниқоблар, қатиқ ёки буғдой, тухум маҳсулотларидан тайёрланган аралашмалар билан юзни таранглаштириш, қизартириш, оқартириш, умуман олганда, юзнинг асл ҳолатини сақлаш мумкин. Бу эрта қаришнинг олдини олади.

Хуллас, серпардоз кишиларнинг жуда кўп вақти ойна қошида ўтади. Улар умрларининг лоақал бир қисмини ақлларини пешлашга, маънавиятини бойитиш ва китоб ўқишга сарфласалар, ҳуснлари янада ортиб, гўзалликларига гўзаллик қўшиларди.

Зеро, инсон учун энг яхши безак ақлу одоб, шарму-ҳаёдир. Айниқса, оқила қизларимизни иффату латофат ва назокат безайди. Азизлар, барча пардоз-андоз, безаклар ичида энг гўзали ва зебоси — хулқ зеболиги ва тан соғлигидир. Шуни унутмасак бас!

**Камола АҲМЕДОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

## БАЛИҚ ПИШИРАЁТГАНИНГИЗДА...

➔ Балиқни катта оловда қайнатсангиз қаттиқ бўлиб пишади, шўрваси хира чиқади.

➔ Балиқни қовуришдан 10-15 дақиқа олдин туз сепиб қўйсангиз титилиб кетмайди.

➔ Балиқни қовуришдан олдин ёққа туз ташласангиз унинг тағи куйиб кетмайди.

➔ Ҳар қандай маҳсулотни аввал кучли оловда кейин кучсиз оловда пиширсангиз таомингиз ширин бўлади.

➔ Балиқни пишираётганда сувга бир неча томчи сирка қўшсангиз у титилмайди ва хуштаъм бўлади.

## ИДИШ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ

➔ Чўян идишни ишлатишдан олдин иссиқ сувда совунлаб ювилади.

➔ Алюмин идишларни юваётганингизда сувга бир неча томчи новшадил спирт қўшсангиз осон тозаланади, ялтирайди.

➔ Идиш тагига олган сутни озгина чой содаси солинган сув билан ювсангиз тез тозаланади.

➔ Алюмин идишнинг тагига ёпишган овқат қолдиқларини олма бўлаклари ёки пиёз солиб қайнатилган сув билан тозалаш осон.

➔ Пичоқ ва санчқиларни картошка бўлаклари билан артсангиз ялтирайди.

➔ Ёғли идишларни юваётганда сувга озгина хантал кукуни қўшиб юборинг, ёғдан асар ҳам қолмайди.

## НОХУШ ҲИД ҚАНДАЙ КЕТКАЗИЛАДИ?

➔ Хонадан хушбўй ҳид таралиши учун лампаларни атир билан артинг.

➔ Ошхонадаги нохуш ҳидни йўқотиш учун товага бир қошиқ сирка солиб, буғланиб кетгунча оловда тутиб туринг.

➔ Кийимлардаги нафталин ҳидини кетказиш учун гардеробингизга озроқ хантал кукунини сепинг.

➔ Идишдаги балиқ ҳидини аччиқ дамланган чой билан йўқотиш мумкин.

➔ Карам қайнатилаётгандаги нохуш ҳидни кетказиш учун у пиширилаётган сувга бир бўлак нон ёки қанд бўлаги ташлаб юборинг.

**Б. СУЛТОНОВА тайёрлади.**

СИР-СИНОАТ



# ЖУФТ ТУҒИЛГАНЛАР ЖУМБОҒИ

**(Боши ўтган сонда)**

**ҒАРОЙИБ ЎХШАШЛИКЛАР**

Эгизакларнинг ўхшаш бўлиши (кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам) табиий ҳол дедик. Аммо баъзи эгизаклар орасида шу қадар ғаройиб бир хилликлар борки, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Мана, масалан, туғилиши билан икки томонга ажратиб юборилган бир эгизак опа-сингиллар 26 йилдан кейин, бир-бирини излаб топади. АҚШнинг турли штатларида бир-бирини умуман кўрмай, билмай ўсган бу эгизак аёлларнинг ҳар иккаласи ҳам сартарошлик касбини танлаган, ҳар иккаласининг ҳам Кристина исмли қизлари бор эди.

Юрижит ва Дороти деган икки эгиз опа-сингил ҳам чақалоқлигидаёқ тақдири азал ҳукми билан ажратиб юборилганди. Аммо бир неча ўн йиллардан кейин тақдир опа-сингилларни бир-бири билан учраштиради. Буни қарангки, бу пайтда уларнинг ҳар иккаласининг ҳам биттадан ўғли бўлиб, болаларнинг бирининг исми Ричард Эндрю, иккинчисиники эса Эндрю Ричард экан. Турли оилалар томонидан асраб олинган ва бир-бирларининг борлигидан мутлақо бехабар яна бир эгизаклар эса 40 йилдан кейин топишади. Қизиғи шундаки, уларни асраб олган ота-оналари бир-биридан бехабар ҳолда ўз фарзандига бир хил — Жеймс деган исм қўйишган экан. Эгизакадашларнинг ҳар иккаласи ҳам юрист, иккаласи ҳам рассомчилик, чизмачилик, устачиликни яхши кўраркан.

Иккаласининг ҳам бир хил модель, бир хил рангдаги «Шевроле» русумидаги автомобили бор. Тақдирни қарангки, иккала Жеймс ҳам икки марта уйланган экан. Боз устига иккаласининг ҳам биринчи хотинларининг исми Линда, иккинчисиники эса Бетти бўлиб чиқади. Яна тағин эгиз Жеймсларнинг бирини ўғли Жеймс Алан (битта «л» билан) бўлса, иккинчисиники эса Жеймс Аллан (иккита «л» билан ёзилади) экан. Ҳар иккала оилада ҳам Той лақабли ит боқиларкан. Хуллас, ўхшашликлар шу қадар кўпки, бу эгизаклар 40 йил давомида бир-биридан айро тарзда эмас, бирга яшаб, атайдан бир хил ҳаёт кечиришга уринган тарзларида ҳам бу қадар бир хилликка эриша олишларига ишониш қийин. Тўғри, кўпчилик эгизаклар учун қандайдир ягона бир дастур мавжуд деб ҳисоблайди. Аммо бу дастур ирсиятга боғлиқмикин? Бу масала ҳам мавҳум. Чунки масалан, биз юқорида тилга олган эгизакларда тасодифларнинг ирсий механизми кўринмайди. Иккинчидан, бу ерда эгизаклар ўртасида яна бошқа бир сирли алоқадорлик бордек туюлади. Масалан, бир эгизакнинг қаеридир оғриса, иккинчиси ҳам албатта ўша ерида оғриқ сезади. Эгизак аёллардан бирини тўлғоқ тутганида, унинг иккинчиси, гарчи ҳомиласиз бўлса ҳам шериги билан баб-баравар тўлғоқ азобидан қийналади. Қизиғи, жисмонан бир хил ҳис этиш эгизаклар бир-биридан жуда узоқ масофада бўлса ҳам содир бўлаверади. Бу қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

**ОДДИЙ ТЕЛЕПАТИЯМИ Ё БОШҚА НАРСА?**

Айрим олимларнинг фикрича, эгизаклардаги бундай жиҳатлар улар она қорнидалик пайтидаёқ ўзаро биологик таъсирлар натижасида шаклланар экан. Гўдаклар бачадонда ривожланаётган вақтида бир-бирига мия орқали, ундан тараладиган қувват тўлқини ёрдамида боғланади. Натижада улар бир хил ҳис қиладиган, бир хил фикрлайдиган бўладилар. Ушбу тахминни тасдиқловчи бир неча мисоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Кети ва Карен Шнайдер деган эгизак опа-сингиллар бир-бирларидан бехабар тарзда бир кунда, бир вақтда, бир хил рақамни танлаб, лотереядан катта ютуқ ютиб оладилар. Кети Карендан, Карен эса Кетидан суюнчи олиш учун мамлакатнинг икки томонида туриб, бир-бирига қўнғироқ қила бошлайди. Лекин кейин билишса, суюнчига ҳар иккаласи ҳам қарздор эканлар. Бу телепатия эдими? Ахир, бундай ҳолат нафақат эгизаклар, балки она-бола, ака-ука ёки бошқа яқин қариндошлар ўртасида ҳам бўлиши табиий ҳол-ку?

Хўп, майли. Бундай ўхшашликларнинг ҳаммасини тасодифга йўйиб қўя қолайлик. Аммо эгизакларга боғлиқ яна бир жиҳат — уларнинг нафақат жисмон ўхшашлиги, балки руҳан бир-бутунлигида ҳам эмасмикин?!

**ИККИ ТАНАГА БИР ЖОН?**

Яна статистикага қайтамиз. Бир тухумдондан пайдо бўлган юз фоиз эгизакларнинг кўзи ва терисининг ранги, сочи, қоши, бурни, лаблари бир хил бўлади; уларнинг 97 фоизининг ақлий салоҳият даражаси, 92 фоизининг эса бармоқ излари, ҳаёт тарзи, касби, қизиқишлари ҳам бир хил бўлади.

Бу эса ўз ўрнида айрим чалкаш вазиятларни келтириб чиқаради. Масалан, бундан бир неча йил муқаддам бир пайтнинг ўзида бир-бирида неча минг километр узоқликдаги иккита йирик банкда ўғирлик содир этилади. Ҳар иккала банкдаги сейфлар бир хил усулда, бир хил пайтда бузилган, у ерда қолган бармоқ излари эса бир хил эди!

Тўғри, бундай бўлиши мумкин эмас, ахир. Аммо полиция ўғриларни қўлга олгач, ҳайратда қолади. Қулфбузарларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирининг ҳатто, мавжудлигидан ҳам бехабар бўлган бир тухумдан бунёд бўлган эгизаклар бўлиб чиқади.

Хуллас, бундай эгизакларда сир кўп. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам Оллоҳ эгизакларни нима учун ва не мақсадда яратаркин? Афсуски, бу саволга нафақат Дарвин, бошқа олиму уламолар ҳам ҳозирга қадар аниқ жавоб топа олишганича йўқ.

**Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади.**

**ҚИСМАТ ЎЙИНЛАРИ**

# БИЛИБ БОСИЛГАН ТИКОН



Сардор биринчи оиласи билан саккиз йил бирга яшаб фарзанд кўрмади. Хотини Насиба айб ўзида эканлигини билгач, осонгина ажрашди. У бу уйдан кетганига сира афсусланмади. Чунки эрининг баджаҳллиги, қайнонасининг ўлгудай худбинлиги уни аллақачонлар бу оиладан совутганди...

Сардор иккинчи марта Фарида деган ёши ўттиз бешларга чиққан қизга уйланди. Балки Фариданинг ота-онаси эрта вафот этмаганида, оқибатда қизнинг тақдири янгаларининг қўлида қолиб кетмаганида аллақачон у ҳам ўз бахтидан тиниб кетган бўлармиди? Фарида Сардорга турмушга чиққач, бир йил ўтар-ўтмас қизчалик бўлди. Икки йилдан кейин эса яна қиз туғилди. Уч йилдан сўнг Сардорнинг қизи уч нафар бўлди. Яқин-яқингача тирноққа зорлигидан ичишга муккасидан кетган Сардор қизлари туғилгач, барибир шу қилиғини ташламади. Энди унинг баҳонаси — ўғли йўқ эмиш. Фарида дўхтирлар 40 ёшдан кейин туғиш хавфли деб огоҳлантиришига қарамасдан яна ҳомиладор бўлди. Одатдагидек, бўккунча ичган Сардор Фаридага ўшқирди:

— Агар яна қиз туғсанг, шу уйдан йўқол. Шунча йил бефарзанд юрганим етмагандай, ўғилга зор ўтаманми энди?

Буни кузатиб турган қайнонаси ўғлига: «Борига шукр қил, яқин-яқингача қизга ҳам зор эдинг-ку», демади.

Негадир Фариданинг бу гал ҳомиладорлиги оғир кечди. Тез- тез боши айланадиган, мадори қуриб ҳолсизланадиган бўлиб қолди. Дўхтирга кўринай деса, қайнонаси рухсат бермайди. Бир пайтлар ўзи саккиз боласидан бештасини уйда туққанини эслатишдан чарчамайди.

Фариданинг ой-куни яқинлашган сари юрагини хижиллик кемирарди. Агар бунисиям қиз бўлса, не-не маломатларга қолишини ич-ичидан сезарди.

Шундай кунларнинг бирида шаҳарда яшайдиган қайнсинглиси икки ойлик чақалоғи билан меҳмонга келди. Машина юкхонасидан гиламларни туширишаётганида Фариданинг юраги увишди: «Яна гилам юваман шекилли». Худди ичидаги гапни қайнонаси тасдиқлагандек:

— Келин, гиламни қизларингиз билан ювиб ташлайсиз. Нодира ҳали дармонсиз, — деди.

Фарида индамади. Буни кўрган қайнонаси «гапим Фаридага малол келди» деб ўйлади — ўзининг эски «пластинка»сини айлантирди:

— Ҳеч нарса қилмайди. Бизлар қорнимиз ерга теккудай бўлиб пахтаям терганмиз. Чопиқ ҳам қилганмиз. Ҳатто далада туғиб қўйганлар ҳам бўлган, қайтанга осонгина кўзингиз ёрийди...

Фарида қайнсинглиси билан кўришаркан, унинг нозик бармоқларини ёрилиб кетган қўлларига солиштириб, уялиб кетди.

Меҳмон уйга киргач, дастурхон ёзди. Қайнсингил баҳонасида чой ичиб олиш учун у ҳам дастурхон бошига ўтирди. Оғироёқлиги боис аввалгига қараганда тез-тез қорни очади. Қайнонаси буни билса-да, ҳеч қачон уч мартадан ортиқ дастурхон ёздирмайди. Ёшлигидан камсуқум бўлиб ўсган Фарида ҳам ўз билганича бирон нарса олиб еёлмайди.

— Тушликка оз вақт қолди, — деди келинининг дастурхон бошига ўтираётганини кўриб. Кейин қизига ўгирилди: — Бирор тансиқроқ овқат пиширсинми?

— Агар қўй гўшти бўлса, манти қилсаларингиз.

Қайнона келинга қаради:

— Сиз қизларингиз билан манти тугиб, пишгунча гиламларни ювиб ташланг.

Фарида энгашиб хамир ёяркан, ўпкаси оғзига тиқилгандек, зўрға нафас оларди. Негадир ҳар энгашганда қорни пастга тортиб оғрирди. Бир амаллаб чиройли тугилган мантиларни қасқонга жойлаштирди. Уни қўлбола плитага қўйиб, соатга қаради. Қизи билан гиламларни йиғиб, ювишга тушди. Бироз ўтмай қорни росмана очди. Бир тўғрам нон билан чой ичганида ҳарна қувват бўлармиди? Лекин келинининг оғироёқлиги, ҳомиладор аёлнинг вақтида овқатланиши шартлиги қайнонанинг хаёлига ҳам келмасди. Фарида бу ерга келин бўлиб келганидан бери қайнонасидан бирор марта илиқ гап эшитгани йўқ.

Қайнонаси Фариданинг ҳар бир ишидан камчилик топар, ўғил туғмаётганини юзига солар, ҳатто ўғлига ёмонлаган кунлари ҳам бўлди.

У эса яхши кунлар келишига ишониб сабр қиларди.

Иккинчи гиламни ювиб осаётганларида унинг боши айланди. Деворга суяниб аста чўкди. Бироз нафасини ростлаб, ошхона томонга юрди. Манти аллақачон пишганини биларди. Бориб қасқон қопқоғини очди: бўм-бўш... Қўлида чойнак билан чиққан қайнонаси чимирилди: — Келин одам кўпайиб кетди, етмай қолди. Сиз шу ернинг одамисиз, бошқа куни пиширибериб ерсиз.

Фариданинг хўрлиги келди. Кўзлари ёшланди. Бирор сабабсиз манти пиширилмайдиган бу ҳовлида унинг ёқимли ҳидини туйгани қолди. «Оғироёқ, томоғи тушади», деб икки донагина олиб қўймаганларига оғринди. Чойнакни кўтариб, Фарида меҳмонлар ўтирган уйга кирганида она-бола суҳбатининг устидан чиқди.

— Қайнонамга ойимникида 10-15 кун юраман деб туриб олдим.

— Яхши қипсан, дам олиб кетасан. Ҳали дармонинг йўқ. Қайнонанг жуда инжиқ, ҳеч тиндирмаса керак.

— Қўлидан нима келарди? Чарчасам, уйга кириб мизғиб оламан. Собир акам нима егим келса, муҳайё қилади.

Фарида нон кавшаганча она-боланинг гапларини эшитиб ўтиркан, эрининг ҳеч қачон меҳр кўрсатмаганини ёки бирор марта чарчадим деб мизғиб олмаганини хаёлидан ўтказди.

— Келин, чойингизни ичиб олган бўлсангиз, ўрик теринг, Нодирага мураббо ёпиб берамиз.

Шусиз ҳам бу ерда ўтиргиси келмаётган Фарида секин ўрнидан турди. Аммо айни кун қизиган палла эмасми, шишган оёқларини узатиб, ётгиси келди. Лекин ичкарига кириб ётиб олса, қайнонаси «қизимни беҳурмат қилдинг» дея ғурбат бошлашини ўйлаб, қизларини боққа етаклади. Кетатуриб супада ёнбошлаб ётган эрининг ёнида тўхтади.

— Дадаси, ўрик теришворинг, негадир мазам йўқроқ, — деди ботинмайгина.

Сардор хотинига ўқрайди:

— Бир-икки марта ўрик териб юрувдимми, тавба. Ана, қизларингни ишга сол...

Шўрлик судралганча қизларига эргашди. Катта таёқ топиб амаллаб ўрик қоқди. Қизчалари билан ўрик теришга тушди. Пишиллаб зўрға нафас оларкан, бели симиллаб оғрий бошлади. Челак тўлай деганда, қайнонаси неварасини чақирди.

— Дилбар, чой дамлаб бер!

Завқ билан ўрик тераётган Дилбар бувисининг олдига чопқиллаб кетди.

«Шу бир чойнак чойни дамлашга ҳам чоғлари келмайди», ўйлади Фарида. Ҳеч вақт ўтмай, Дилбарнинг аччиқ чинқириғи эшитилди. Фарида ҳамма нарсани унутиб ошхона томонга югурди. Ошхонага етай деганда остонага қоқилиб, юзтубан йиқилди. Қизининг куйганидан териси шилиниб кетган қўлини кўриб ҳушидан кетди...

Фарида ўзига келганда шифохонада ётарди. У икки ой касалхонада, назорати остида бўлди. Шифокорлар катта қийинчилик билан унинг ва боланинг ҳаётини сақлаб қолишди. Ва ниҳоят муддат етгач, чақалоқ туғилди.

* * *

Йўлакда ўтирган Сардорнинг ёнига чиққан ҳамшира қиз ундан суюнчи сўрамади, аксинча нимадандир қаттиқ ўкингандек секингина деди:

— Хотинингиз ўғил туғди. Лекин шу... чақалоқ ногирон. Хотинингизни ҳомиладорлигида эҳтиёт қилмаганмидингиз?

Сардор бошқа гапни эшитмади. Эшитадиган аҳволда эмасди у.

— Ўғил...ўғил дедингизми... нега...нега ногирон туғилади, — деди у жон ҳолатда...

Лекин ҳали олдинда бундан-да мудҳиш кўргилик турганини — чақалоқ нафақат ногирон, балки юраги ҳам хаста бўлиб туғилганини ҳали улар билмасди...

**Барно СУЛТОНОВА**

# «ШИРИН ТАБАССУМ» БУНЁДКОРЛАРИ

**ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Муболаға эмас, ҳар биримиз истиқлолимизнинг 18 йиллик шодиёнасини ўзгача ҳаяжон ва интиқлик билан кутаяпмиз. Республикамиз бўйлаб олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари янада фаоллашган. Қўли гул бунёдкорлар, заҳматкаш усталар, бу улуғ байрамга муносиб совға тайёрлаш, хуллас, юрт ободлиги йўлида ўзининг камтарона бўлса-да, ҳиссасини қўшиш учун интилмоқда.

Равшан Юнусов раҳбарлик қилаётган «Ширин табассум» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган эди. Ортда қолган давр мобайнида мазкур жамият қурувчилари Тошкент вилояти туманларида бир-биридан чиройли бинолар, хусусан, ўқув иншоотлари қурилишида ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Бекобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 43-ўрта умумтаълим мактабининг 220 ўринли биноси капитал реконструкция қилиниб, қўшимча 80 ўринли янги бино қад ростлади. Шу тумандаги Педагогика ҳамда Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари таъмирлаб берилди.

Ёшлигимдан турли иншоотлар лойиҳаларини чизиб, ўзимча ширин орзуларга берилардим, — дея хотирлайди Равшан ака. — Айниқса, ўз ота-боболаримиз қуриб кетган обидаларни томоша қилиб, ҳайратга тушардим. Толеимда бор эканки, муборак истиқлол туфайли тушимга ҳам кирмаган беғубор орзуларим рўёбга чиқмоқда.

Дарҳақиқат, Мустақиллик эпкинлари туфайли, бугун ҳар бир туман, хўжалик ёки қишлоқ замон талабларига тўла мос келадиган янги иншоотлар, мактаб, коллеж ёхуд академик лицейлар қурилиши одатий ҳолга айланди.

— Ҳар бир қурилиш лойиҳасини тендер савдосида ютиб олганимиздан кейин бу бинони тез ва сифатли қуриб топширишга ҳаракат қиламиз, — дейди Равшан Юнусов. — Жамоамизда прораб Муҳаммаджон Раҳматуллаев, бригада бошлиқлари Нурмуҳаммад Икромов, Мирзоҳид Раҳматуллаев каби ўз касбининг усталари ишлашади. Жамоада соғлом муҳит, аҳиллик ва ҳалоллик бўлишига жиддий эътибор қаратамиз. Ходимларимизни меҳнатига яраша рағбатлантириб борамиз.

«Обод уйда пок одамлар яшайди» деган ҳикматимиз борки, у элимизни мунтазам равишда бунёдкорликка чорлайди. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан амалга татбиқ этилган «2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантириш умуммиллий дастури»га кўра янги зиё



масканлари қурилди. Қурилганига бир неча ўн йиллар бўлган эски иморатлар ўрнини янгилари эгаллаб, келажагимиз эгаларининг қувончларига қувонч қўшилди. Отахону-онахонлар шукрона айтишяпти, устоз педагоглар ушалган орзулари учун давлатимизга, бунёдкорларимизга миннатдорчилик билдиришмоқда...

Яқинда Қибрай тумани ХТБга қарашли 38-ўрта мактабда «Ширин табассум»нинг қўли гул усталари амалга оширган ишларни кўриб, қувондик. Чунки бу ўқув маскани бундан етмиш йиллар аввал ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, кейинги пайтда анчагина хароба кўринишга келиб қолганди. Давлат дастури асосида таълим маскани 479 миллион сўм маблағ эвазига капитал реконструкция қилинди. Мактаб директори Матлуба Умарованинг таъкидлашича, «Ширин табассум» корхонаси бунёдкорлари лойиҳадан ташқари, ўқувчиларга ҳомийлик асосида мўъжазгина ошхона ҳамда меҳнат фани хонасини ҳам қуриб беришди.

Шунингдек, «Тузель» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 37-ўрта умумтаълим мактабида ҳам бири-иккинчисини такрорламайдиган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 320 нафар ўқувчи таҳсил оладиган таълим даргоҳини айланар эканмиз, ёруғ ва озода хоналар ҳар қандай кишининг бахри дилини очади. Махсус фанларга ихтисослашган синфхоналар тўла жиҳозланган. Мактаб директори Абдусаттор Умбатов ўз ҳаяжонини яширолмади:

— Ишонинг, бу кунларни узоқ кутдик. Истиқлол шарофати, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ҳамда заҳматкаш қурувчиларнинг фидокорона меҳнати эвазига қишлоғимиз ўғил-қизлари энди энг яхши мактабда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлишди. Спорт майдончалари, ҳомийлик ёрдамида қурилган ошхона, меҳнат таълими синфи ҳамда кутубхона, шунингдек, компьютер ўқув хонаси, хуллас, барча-барчасидан кўнглимиз тўлди.

Ҳа, фарзандларимизнинг илмли бўлиб камолга етиши учун ҳар биримиз масъулмиз. Шундай экан, улкан иморатлар қураётган усталарнинг қанчалик фойдали, хайрли, савоб иш қилаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай гўзал иморатлар бир имкон бўлса, унда таҳсил олувчи — юрт эртаси бўлган ёшлар учун минг бир имкондир.

**Илҳом РАҲМОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

«Наврўздан наврўзгача» ижодий беллашувига

# Қайлиқ

(ҳикоя)

Шодмон ОТАБЕК



Исмим Тошпўлат. Баъзилар Тоштемир ҳам дейишади. Бунга кўникиб қолганимданми, ўзим ҳам исмимни сўраганларга гоҳ Тошпўлат, гоҳ Тоштемир деб айтаман.

Мен ҳам кўпчилик тенгдошларим каби ёшлик ғаройиботларидан бенасиб қолмаганман. Севги деб аталмиш «эски қўшиқ» менинг ҳам қалбимни доғлаб кетган. Энди эса тақдирга тан бериб, кечалар юлдуз санаб тонг оттирган кунларим кўпам эсимга тушавермайди. Гоҳо эсимга тушиб қолса, ўшанда севгимнинг куз осмонидай тиниқ, дарёдай жўшқинлигига қарамай, севганим олдида нақадар ожиз ва журъатсиз бўлганим бироз алам қилиб кетади, холос...

Орадан йиллар ўтди. Ҳаётдан анчагина сабоқ олдим. Аммо менда ҳамон бир нарсага журъат етишмайди...

Онам мени койиб айтишларича, дўстим Абдуғофир билан бир йилда уйланганимда ҳозир уч боланинг отаси бўлар эканман. Бу гапга шу пайтгача гоҳ ҳазил, гоҳ ёлғон билан чап бериб келсам ҳам энди қутулиш қийин бўлиб қолди.

Олдинги гал қишлоққа борганимда онамнинг илтижо билан тўккан кўз ёшларини эсласам, юрагим эзилиб кетади. Аммо менга ҳам осон эмас-да. Ахир, бу ишда шошиб бўладими? Робия энамнинг таъбири билан айтганда, «Бу сигирмидики, сузонғич чиқиб қолса, бозорга олиб бориб сотиб юборсанг!»

Бўлажак қайлиғим фақат мени эмас, неча йилдан буён келин орзусида юрган онамнинг ҳам кўнглини топса, меҳрини қозонса дейман...

Бу сафар қишлоққа ширин хаёллар, ҳали кимлиги номаълум бўлган қайлиқ васлига умид ва илинж билан бордим. Уйдагилар менга «албатта бир кўришда ёқадиган, ақлу одоби ҳам ҳуснига яраша» бир қиз топиб қўйишганини айтишди. Ҳар гал борганимда бундай гапларни эшитавериб, «этим ўлиб қолган», энди илгаригидай ийманиб-тортиниб ўтирмасдим. Ортиқча «таранг» қилмай, қиз билан кўришишга рози бўлдим.

* * *

...Жўхоризор ўртасидаги сўқмоқдан борарканман, ўзимни тутишга ҳаракат қилсам-да, нимадандир ҳаяжонланар, қўлларим беихтиёр жўхорининг камоннусха баргларини «шарт-шурт» юлиб оларди. Ана, аввал унинг қизил докашол рўмолига кўзим тушди. «О, мендан олдин келибди-ку, қизи тушмагур!»

Қадамим бирдан секинлашди. Шарпани сезиб, у ҳам сергакланди. Мен томонга бир қараб олди-да, қўлидаги аллақандай ўтни ташлаб, рўмолини тузатган бўлди.

У ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасида, қорачадан келган, кўзлари чарос эди.

— Салом! — дедим ёнига боргач.

— Салом, — дея пичирлади у ҳам менга тик боқолмай, уятчан жилмайиш билан. Юрагим бир орзиқиб кетди. Нигоҳидан унинг болаларча беғубор, содда эканлиги сезилиб турарди.

У билан ҳазиломуз, айни чоғда меҳр, эркалаш оҳангида гаплашгим келди. Шундай қилсам, у ўзини эркинроқ тутар деб ўйладим.

— Айтгандай, исминг нимайди?

— Ҳалима.

— Мени танийсанми?

— Ҳимм...

— Алдоқчи! Мени бирор марта ҳам кўрмагансан-ку!

— ...

— Хўш, қаердан биласан мени?

— Комила айтган...

— Комилани қаердан биласан?

— Бирга ўқиганмиз.

«Э, гап бу ёқда экан-да. Шаддод синглим Комила пиширган ош бу ҳаммаси». Суҳбатни яна савол билан чўзаман.

— Уйларингда мени гапиришадими?

— Ҳмм...

— Нима дейишади?

— ...

— Ким гапирди аввал, акангми?

— Ҳмм...

— Нима деди?

— Танийман, яхши бола, деди.

— Ўҳ-ҳў, мен ҳали бола, эканманми?!

Кулгидан зўрға ўзимни тийиб қоламан. Ҳалима эса миқ этмай, бошини қуйи солганча, эскириб қолган калиши билан ер чизиб тураверади. Мен эса ўзимни дадил ва эркин сезаман.

Ҳалима кам гапирса ҳам ўзимча ундан янги-янги хислатлар топар, ундаги ажиб бир беғуборлик тобора мени мафтун қилар эди. Нима биландир унинг кўнглини хуш қилгим келар, аммо сўзларим унга қандай таъсир этаётгани менга қоронғу эди.

Уйга қайтарканман, онамни қандай суюнтиришни билмасдим.

Шу кеча туни билан ухлолмадим. Ҳалиманинг қиёфаси сира кўз олдимдан кетмасди. У билан ўзимча ғойибона суҳбат қурардим.

«Ҳалима! Маъсума қиз! Иккимиз ҳам тинч ва осуда бир ҳаётни қўмсаймиз. Аммо ҳар биримиз бу тилакка ўз йўлимиз билан келганмиз. Сен мени «мағлуб» этдинг — ишонтирдинг!.. Ўзимни хаёлан сенга, сени бахтли қилишга бағишладим. Аммо сен-чи? Сен ҳам мендек кўнглингни очиқроқ билдирсанг-чи! Ёки сўзларимни жимгина тинглаб ерга боқишларинг, сукунатинг «розиман» деганингми?»

Кейинги учрашувимизда ҳам Ҳалима кўнглидагини очиқроқ айта қолмади. Гапира-гапира чарчадим. У эса «ҳмм...», «йўқ»дан нарига ўтмасди. Ниҳоят, ўзимча, «хафа бўлса — ҳазил, тушунса — чин», дея дангал гап бошладим.

— Ҳалима, мени... севасанми?

— Билмайман.

— Ие, бу қанақаси? Бўлмаса... ёмон кўраркансан-да?

— ...

— Сен ҳам ойингга: «Усиз яшай олмайман, агар унга бермасанглар, ўзимни ундоқ қиламан, бундоқ қиламан», деб айтмайсанми?

Ҳалима қизариб, бошини тағин қуйи солади. Киприклари тез-тез уча бошлайди. Мен бироз ошириб юборганимни сезиб, хижолат бўламан.

— Ҳалима! Мен кетяпман. Эртага...

У ялт этиб менга қаради. Қаради-ю, бир нимадан хижолат бўлгандек рўмолини лабига босди.

— Энди хайрлашсак... Сен ҳам уйга боргин, кеч бўлиб қолди.

— Қачон келасиз?

— А?!

Ёпирай, бир оғиз сўз, оддийгина сўроқ шу қадар ёқимли эшитиладими? Ё бу сўзни Ҳалима айтгани учун шундай туюлдими?

У ўзининг бор гапи, бор туйғусини шу сўзда айтди, шекилли...




## “МИСР ЭҲРОМЛАРИНИ СОТАМАН, ОЛАСИЗМИ?”

***Агар сизга кимдир шундай деса, сиз унинг устидан кулишга шошилманг. Чунки ҳозирги кунда дунёдаги кўплаб фирибгарларнинг олди-сотди ишлари ана шундай машҳур иншоотлар билан боғлиқ.***



➔ Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали австралиялик бизнесменга сотилган. Фирибгарлар бу савдони амалга ошириш учун бизнесменга “Америка ҳукумати янги лойиҳа бўйича қурилиш ишларини олиб боришлари лозим. Бироқ Озодлик ҳайкали бунга халақит бериб турибди. Шу боис ҳайкални сотиш зарурати пайдо бўлди”, деган хабарни ниҳоятда ишончли тарзда етказиб, уни катта пулга сотишади. Аммо бу савдонинг қувончи фирибгарлар учун узоқ вақт татимади. Тез орада улар қўлга олинди.

➔ Дунёга машҳур иншоотлардан яна бири Лондондаги Биг-Бен соати жойлашган бино эканлигини билсангиз керак. Фирибгарлар бу бинонинг юқори қаватида жойлашган ресторанни сотиш таклифини билдириб, америкалик бир тадбиркорга мурожаат қилишади. Қизиқувчан тадбиркор алданган эди. У ҳалигача бу тарзда аҳмоқ бўлганига ишонгиси келмайди. Маълум бўлишича, Биг-Бен соати жойлашган бинонинг юқори қаватида аслида ҳеч қандай ресторан ҳам бўлмаган, балки улкан соатни ишга туширувчи қурилмалар жойлашган экан, холос.

➔ Бу каби ғалати савдолар тарихда ҳам кўп бор содир бўлган. Ишонасизми-йўқми, 1925 йилда Американинг



Оқ уйи 1000 долларга “сотиб” юборилган. Фирибгарлар бу гал техаслик содда бир фермерни “чув” туширишган ва пулни олишлари билан кўздан ғойиб бўлганлар.

➔ Бошқа бир америкалик жаноб эса Италиядаги машҳур Пиза минораси қулаб тушиши ва уни қайта қуриш ишлари олиб борилиши ҳақида махфий маълумотлар олади. Шунга асосланиб, бу “тадбиркор” бебаҳо тарихий иншоотга ҳаммадан аввал эга чиқмоқ умидида жуда катта пул эвазига фирибгарлардан ушбу минорани «сотиб» олади.



**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ПАШШАДАН ФИЛ ЯСАМАНГ!

АКС-САДО

## «Машҳур бўлмоқ учун...» — 34-сон

Журналистика ахборотни ҳаққоний ёритиши керак. Журналистнинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан ҳақиқат билан ўқувчи, томошабин ёки тингловчи ишончини қозонишдир. Аммо баъзи пайтларда ҳақиқатни қайси нашрдан излашни билмай қоласиз. Шундай ҳоллардан бири мақолада тилга олинган, «эстрада юлдузи» билан содир бўлган фожеадан сўнг юз берди. Турли нашрлар, ҳатто, интернет сайтлари ҳам машҳур бўлиш учунми ёки бошқа сабаблар туфайлими, «ким ўзар»га тушиб кетишди. Нафақат матбуот, балки интернет сайтларида ҳам фожеа қатнашчиларининг яқинлари билан бўлган интервьюлар тинимсиз фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилди. Бир тарафдан турли миш-мишлар, нотўғри маълумотларга чек қўйиш, ахборот бериш мақсадида олинган бу интервьюлар ҳақиқатни ойдинлаштирди. Аммо қайта-қайта ташкил этилаётган бу каби суҳбатлар фожеа қурбонларининг яқинлари, оила аъзоларининг ярасини янгиламайдими?

Ўзбек «шоу бизнес»идаги бу фожеадан олдинроқ дунё мусиқаси катта жудоликни бошидан кечирди. Очиғи, «поп қироли» Майкл Жексоннинг ўлими билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳалиҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Газета нашрлари унинг кутилмаган қазоси ҳақида нималарни ёзишмади, дейсиз. Ҳатто, «Жексон тирик» деган ахборотлар бугунгача одамлар орасида тингани йўқ. Ғарб матбуотида машҳур бўлишнинг, одамлар эътиборини тортишнинг бундай усуллари бирор воқеа тафсилотларини ҳадеб кавлаштиравериш, миш-мишларга қараб йўл тутиш табиий ҳолатга айланиб улгурган. Турли гап-сўзлар жонига теккан Жексоннинг оила аъзолари ҳатто, журналистлардан бу оғир кунларда уларни безовта қилмасликларини, ҳар хил нотўғри маълумотларни чоп этавермасликларини, уларнинг шахсий ҳаётларига аралашмасликларини расмий тарзда сўрашга ҳам мажбур бўлдилар.

Юқоридаги мисоллардан чиқарадиган хулоса шуки, айрим ҳамкасбларимиз бундай даҳшатли воқеа-ҳодисалардан ўз манфаатлари йўлида зинҳор-базинҳор фойдаланиб қолишга берилмасинлар.

**ДИЛНОЗА**

# РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ БОШҚАРУВИ ЖАМОАСИ



*Барча юртдошларимизни шунингдек, пойтахтимиз аҳлини энг улуғ ва энг азиз байрам — Ватанимиз*

Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи билан самимий муборакбод этади!

*Шундай улуғ ва саодатли кунларнинг шукуҳи қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин.*



***Истиқлолимиз абадий бўлсин, муҳтарам юртдошлар!***

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ КИНО САРОЙИ ЖАМОАСИ



ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН, "ШАРҚ ДАРВОЗАСИ" ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРИЛГАН АЗИМ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!




Юртимиздаги барча оилаларга тотувлик, кўнгилларига хотиржамлик, тану жонларига сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин, қадрли ватандошлар!



# Қашқадарё вилояти Деҳқонобод агросаноат касб-ҳунар коллежи жамоаси



Энг улуғ айём — мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан халқимизни ҳамда юртимизнинг турли гўшаларида баркамол авлодни тарбиялашдек масъулиятли бурчини шараф билан адо этаётган устоз-мураббийларни, касб-ҳунар таълими тизими соҳаси вакилларини чин дилдан табриклайди.

**Бу қутлуғ кун ҳар биримизнинг ҳаётимизни мунаввар этсин!**

# Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "БОБОЁР БОБО" фермер хўжалиги



**Барча юртдошларимиз ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилида халқимиз дастурхонини тўкин этиш йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган деҳқон-фермерларни истиқлол байрами билан чин дилдан ТАБРИКЛАЙДИ!**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга аҳиллик ва тотувлик, бахт-саодат йўлдош бўлишини тилаймиз. Озод ва обод заминимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик, фаровонлик ҳамиша барқарор бўлсин!**

# Китоб туманидаги «ТЕМИРОВ ОЛИМ НОРИМОВИЧ» фермер хўжалиги жамоаси



азиз юртдошларимиз ва саховатли деҳқонларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами билан муборакбод этади.

Халқимиз дастурхонининг тўкинлигини таъминлаётган бободеҳқонлар меҳнати ҳамиша қадр топаверсин.

***Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳли ҳамда азим пойтахтимиз меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан самимий

# МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

**Озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Шундай экан, ҳар биримизга бу улуғ ва доруломон кунларнинг қадрига етиб юрмоқ бахти насиб этсин.**





## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## Тошкент шаҳридаги «ЯНГИОБОД» ихтисослашган бозори масъулияти чекланган жамияти

Барча юртдошларимизни улуғ байрамларимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллиги билан муборакбод этади!

Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барокот, юртимизда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлишини тилаб қоламиз.



## Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азиз юртдошлар!

Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда кўҳна пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 ёшини қаршилаши муносабати билан барча ватандошларимизни

# “ТОШКЕНТМЕБЕЛ”

## масъулияти чекланган жамияти жамоаси





# самимий муборакбод этади!

**Истиқлол шарофати туфайли обод ва нурафшон бўлган юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!**
**Ҳамиша халқимизнинг толеъи баланд, бахти бутун, дастурхони тўкин ва баракали бўлсин!**
**Байрамлар шукуҳи дилларни файзга тўлдирсин!**




*Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани. Жомий майдони.*
*Мурожаат учун тел.: 248-19-80.*

*Хизматлар лицензияланган*

## «АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

18 йил

барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни шодиёнаси ҳамда азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантанаси билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани рост бўлсин!

AGROBANK

Байрам тантанаси муносабати билан, «Агробанк» барча юртдошларимизга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган **«Мустақиллик» (муддатли), «Тошкент-2200 ёшда» (муддатли), «Шарқ тароналари» (жамғарма)** номли омонат турларини таклиф

***Шу билан бирга, дунё бўйлаб молиявий эркинликни қўлга киритишни истасангиз, «АГРОБАНК» VISA Cardларининг соҳиби бўлишга шошилинг!***



Visa Electron - дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар, ёшлар учун таклиф этилади.



Visa Gold - энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.



Visa Classic - универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.

**БУТУН ЖАҲОН БЎЙЛАБ. СИЗ УЧУН. ЯНГИ ЗАМОН МАКОНИ.**
**ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ БАНК ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

*«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!*

*Хизматлар лицензияланган*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ, БОРДОНКЎЛ ҚЎРҒОНИДА ЖОЙЛАШГАН «5-СОН АВТОКОРХОНА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиз аҳлини ҳамда барча ҳамкасбларимизни улуғ истиқлолимизнинг 18 йиллиги ва азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий табриклайди! Сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, байрамона руҳ ва хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Шунингдек,**



## «ПОЙТАХТ АУКЦИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

**2009 йилнинг 17 сентябрь куни «Мерседес — Бенц О 405» русумли автобусларининг КИМОШДИ САВДОЛАРИ ўтказилишини маълум қилади.**

## ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

**жамоаси юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлган мамлакатимиз МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ва азим ТОШКЕНТНИНГ 2200 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Байрам ҳадяси сифатида сиз азизларга янги-янги имкониятларни**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

***Аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб келаётган Халқ банкида яратилган «UzTO'LOV» миллий тўловлар тизими имкониятларидан фойдаланинг. Мазкур тўлов орқали энди сиз коммунал ва бошқа маиший тўловлар учун нақд ва пластик карточкалар ҳамда интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали ҳисоб-китоб қилиш, телефон билан ҳисоб рақамларингизни бошқариш, маълумотлар олиш, тўловларни амалга ошириш, уяли телефонлар ёрдамида барча сўзлашувлар учун тўловларни тўлаш, шунингдек, республикамизнинг исталган шаҳри ва чекка қишлоғидан Халқ банкининг барча бўлимларига топширган маблағларингизни мамлакатимизнинг исталган ҳудудига тезкор ўтказиш ёки олиш имкониятларига эга бўласиз.***



**Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланинг!**
**Сизнинг маблағларингиз ишончли қўлларда!**
ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН

**Мурожаат учун тел: 150-12-91. Хизматлар лицензияланган.** Лиц № 35.25.01.2003.





Мамлакатимизнинг миллий байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда "мангу навқирон шаҳар" номини олган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан

## РЕСПУБЛИКА ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

***барча юртдошларимизни ҳамда халқимиз сиҳат-саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш йўлида хизмат қилаётган ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этади!***

***Улкан ютуқлар, мустаҳкам саломатлик, тинчлик—осойишталик ҳар доим йўлдош бўлсин, азизлар!***






## «БИРИНЧИ АВТОКОРХОНА»

**Очиқ Акциядорлик Жамияти жамоаси**

**Халқимизни буюк истиқлолимизнинг шарафли 18 йиллиги ҳамда қадим ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик муборак тўйлари билан самимий қутлайди.**

**Азиз юртдошлар, муҳтарам ҳамшаҳарлар!**

**Сизларга соғлик ва омонлик, тинчлик ва хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз. Ниятимиз — умрингиз боқий, кўнгил дунёнгиз обод, ҳар босган қадамингиз нурли бўлсин.**

**Биз сизларга беминнат хизмат қилишдек хайрли ишларга ҳар доим камарбастамиз.**



***Байрамларимиз кўнгилли ўтсин!***

# “UKTAMBANK”

UK

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ





**ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ВА БОЙ ЎТМИШГА ЭГА БЎЛГАН МУАЗЗАМ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ ЮБИЛЕЙИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!**

Сизларга соғлик-саломатлик, хуш кайфият, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга тўкинлик, қут-барака тилаб, ушбу тантаналар муносабати билан қуйидаги омонат турларини

**ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**«ИСТИҚЛОЛ»** — омонат тури йиллик 30 фоиз устама билан уч ва олти ой муддатга қўйилади. Омонат миллий валютада чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Омонатлар учун фоизлар омонатнинг муддати тугагандан кейин берилади. Омонат 2009 йилнинг 1 октябригача қабул қилинади.

**«КЎРКАМ ШАҲРИМ»** — омонат тури йиллик 30 фоиз устама билан уч ёки олти ой муддатга қўйилади. Омонат миллий валютада чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Омонатлар учун фоизлар омонатнинг муддати тугагандан кейин берилади. Омонат 2009 йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади.

Омонатингиз сирини кафолатлаймиз.

**БАЙРАМ ҲАДЯСИ СИЗЛАР УЧУН, АЗИЗЛАР!**





**«UKTAMBANK»да омонатларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан тўлиқ кафолатланган.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**Тошкент шаҳрида: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 8-уй. Телефон: 212-26-62, 212-26-63**
**Қарши шаҳрида: Қарши шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 4-уй. Телефон: (8-375) 227-58-95**

Озодлик — қуёш каби бетимсол!
Истиқлол — бебаҳо неъмат!
Мустақиллик — Ватан шарафи, қадр-қиммати!




**18 йил Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларига ўчмас бўлиб битилаётир. Ўтган бу тарихий йиллар бизнинг фидойи халқимиз учун, озод ва обод юртимиз учун ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир неча асрларга татигулик.**

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Энг улуғ ва энг азиз миллий байрамимиз — истиқлолимизнинг 18 йиллиги барчангизга муборак бўлсин!**







**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси**

*Истиқлол қуёши нурларидан баҳраманд бўлган юрт ҳар қанча байрамлар қилса ярашади. “Жаннатмонанд замин” дея таъриф берилаётган ўлкамизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Саховатпешалик ва бағрикенглик, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлмоқни бурч деб билган халқимиз ҳар доим омон бўлсин. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик муборак тўйи билан барча юртдошларимизни ҳамда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да ўзлари яшаётган манзил-гўшаларда фидойилик кўрсатаётган маҳалла фаолларини*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ “АЛИМКЕНТ” ҚЎРҒОНИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ АЪЗОЛАРИ ЧИН ЮРАКДАН ТАБРИКЛАЙДИ**

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллик кутлуғ айёми муборак бўлсин!**

*Ватан — энг буюк маъво, улуғ манзил,*
*Ватан — танга, жонга сингиб кетувчи нур.*
*Ватаннинг тупроғи кўзга тўтиё,*
*Ватан меҳри қалбга бағишлар шуур!*




# Муҳтарам юртдошлар!

***Улуғ истиқлолимизнинг шонли 18 йиллиги ҳамда “Шарқ гавҳари” ҳисобланган Тошкент шаҳрининг қутлуғ 2200 ёшлик юбилейи барчангизга муборак бўлсин!***

*Ана шу асрларга татигулик йиллар ичида барча соҳалар, айниқса, олий таълим тизими, кадрлар тайёрлаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Марказий Осиёда етакчи олий даргоҳлардан бири бўлган Тошкент Давлат Аграр Университети мустақиллик даврида ҳар томонлама тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу даргоҳда, айниқса, илмий тадқиқотлар ҳамда ўқув ва амалиёт ишларининг чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилаётганлиги катта самара бераётгани қувончли ҳолдир.*














Улкан илмий салоҳиятга эга бўлган даргоҳимизда юзлаб фан дарғалари ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб келишмоқда. Яқинда эса қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ҳалима Отабоева, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Салоҳиддин Юнусов, мутахассислар Отамурод Пўлатов, илмий ходим Ҳилола Муҳаммедовалар янги навлар яратиш, сабзавот ва полизчилик селекцияси ва уруғчилиги бўйича ажойиб ихтиролар кашф этгани нуфузли давраларда эътироф этилди. Албатта, бундай муваффақиятлар замирида энг аввало истиқлол шарофати туфайли таълим тизими учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ётганини эътироф этиш керак.

Энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами билан яна бир бор барчани, шу жумладан, устоз ва мураббийларни ҳам чин дилдан қутлаймиз.

**Тошкент Давлат Аграр Университети жамоаси**

# Тошкент шаҳридаги “ЧИЛОНЗОР САВДО МАРКАЗИ”



*Масъулияти чекланган жамияти жамоаси Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги ва қадим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик муборак тўйи билан барчани қизғин*

## ТАБРИКЛАЙДИ!

**Бизнинг 88 кишилик аҳил ва иноқ жамоамиз ҳам бевосита бу қутлуғ айёмга бағишлаб шаҳримиз аҳли ва меҳмонлари учун ажойиб совғалар тайёрлаб қўйган.**

**Бизнинг энг эзгу ниятимиз,**

**Омад ва бахт ҳамиша сизларга йўлдош бўлсин, азиз ҳамюртлар!**



# Тошкент шаҳридаги “НАВЗОДХОН” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “ПЛАНЕТА БИСТРО” ресторани жамоаси

*Пойтахтимиз аҳлини ва меҳмонларини қўшалоқ байрам Мустақиллигимизнинг 18 ҳамда тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами билан чин дилдан қутлайди!*

*Яқиндагина фаолият юрита бошлаган ресторанимизга ташриф буюрсангиз бу ерда кўнглингиз истаган (30 хилдаги миллий ҳамда 30 хилдаги европача) таомларни тановвул қилишингиз мумкин.*

## «PLANETA BISTRO»



*Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азизлар!*

***Истиқлол шарофати туфайли пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519- автожамланма давлат корхонаси маъмурияти “Д” тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни***

# ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Ойлик маошлар қуйидагича:
Ҳайдовчилар учун 450 000 дан юқори.
Чиптачилар учун эса 150 000 дан юқори.

Шунингдек автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида “Д” тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.
Ўқиш муддати 6 ой.
Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3х4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. “В”, “С” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) албатта тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, 20-уй. ( собиқ Иркутск) Мўлжал: Қорасув 6.

**ТЕЛЕФОН: 266-38-31**



# ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ!

**“Мерседес бенц О-405” русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда.**

**Кимошди савдоси шу йилнинг 19 сентябрь куни ўтказилади.**

**Тошкент шаҳар 2-автобус саройи маъмурияти.**




**Мурожаат учун телефонлар:**
**296-32-60 (ходимлар бўлими). 296-55-52 (қабулхона)**

## Тошкент шаҳридаги “2-автобус саройи” Очиқ акциядорлик жамияти

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилмоқ мақсадида янги “МЕРСЕДЕС БЕНЦ LOW FLOOR КОМЕНТО” ва “ISUZU” автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан “Д” тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

## ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ОЙЛИК МАОШЛАР: “МЕРСЕДЕС БЕНЦ” автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун:** 350 000 дан 400 000 сўмгача

**Чиптачилар учун:** 150 000 сўмдан юқори.

**“ISUZU” автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун:** 250 000 дан 300 000 гача.

**Чиптачилар учун:** 150 000 дан юқори.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона)**

**Буюк истиқлол туфайли дунё бизни, биз эса дунёни таниётган ушбу фараҳбахш лаҳзаларда Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида**

**ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ «3-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



*мамлакатимиз аҳлини ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини бу қутлуғ айёмлар билан чин кўнгилдан қутлайди!*

*Айни шу кунларда бизнинг аҳил ва меҳнатсевар жамоамиз бу ажойиб тантаналарни янада файзли ва кўнгилли ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Негаки, байрам тантаналари нишонладиган паллада бизнинг жамоамиз сиз азизларнинг хизматингизда бўлади. У эса бизларга алоҳида масъулият юклайди.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлсин!*



Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним!

**ТАЛИМАРЖОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ҚАРШИ МАГИСТРАЛЬ КАНАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ 97-МАХСУС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА ЖАМЛАНМА ЖАМОАЛАРИ**

*халқимизни истиқлолимизнинг 18 йиллиги байрами билан муборакбод этади!*

*Оллоҳ назари тушган жаннатмонанд юртимиз гуллаб-яшнайверсин!*





*Ким ахир бу дахри дундан ўтмагай?*
*Ким ахир бир куни асо тутмагай?*
*Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,*
*Ватан қолар экан, Ватан абадий!*

**Ватан меҳри, муҳаббати ҳақида ҳар қанча таъриф айтсак кам. Унинг ҳар қаричи муқаддас, ҳар манзили муборак маъво. Шундай экан, бу улуғ юртни ҳар қанча севиб, ардоқлаб, қадрлаб яшасак-да, кам.**

**Муҳтарам юртдошлар!**

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами барчангизга муборак бўлсин!**

**Эҳтиром билан**
**Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги**

# “PISLING STAR” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Mustaqillik abadiy bo‘lsin!*

***Озод ва обод юртимиз аҳлини ҳамда аҳоли саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатиб хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимизни Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги билан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги***

# “ХУДОЙҚУЛ” ДОРИХОНАСИ ЖАМОАСИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!



*Улуғ ва саодатли, фараҳбахш кунларнинг қадрига етиб юрмоқлик бахти ҳар биримизга насиб этсин!*

*Истиқлолимиз абадий бўлсин!*

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
## «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» филиали



*Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамлари муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!*

*Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, Ватанимиз, шунингдек, шаҳримиз гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!*

**Фурсатдан фойдаланиб қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:**

· газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;

· ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газтаъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, резина ичаклар орқали улаш ҳолатлари газдан бўғилиш, заҳарланиш, ёнғин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Газ асбобларини харид қилиш, ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинг;

· газ асбобларини беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг. Хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш — хотиржамлик гаровидир;

· агар газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол «тумангаз» авария диспетчерлик хизматига ёки «Тошкентшаҳаргаз» марказий авария диспетчерлик хизматига 04; 255-44-27; 253-56-19; 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг. Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунга қадар газ жўмрагини беркитинг, эшик-деразаларни очиб, хонани шамоллатинг. Гугурт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб турганларини ўчирманг! Юқорида қайд этилган ишлар ўз вақтида бажарилса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш имкониятини яратади.

*Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!*



**“Оила жамиятнинг асосий бўғини” эканлиги Ўзбекистон Конституциясида алоҳида белгилаб қўйилган. Демак, ҳар бир оила, хонадонда тинч-тотувлик ва аҳиллик барқарор бўлса, жамият ҳаёти фаровон бўлади.**

**Азиз юртдошлар!**

**Барчангизни ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ФҲДЁ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди!**



**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚЎҚОН ШАҲРИ ФҲДЁ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

яқинлашиб келаётган энг азиз айёмимиз — истиқлолимизнинг 18 йиллиги билан мамлакатимиз фуқароларини ҳамда катта ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган барча ёш оилаларни самимий қутлайди!

Сизларга соғлик ва омонлик, бахт-саодат ҳар доим йўлдош бўлсин!

# “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” ДАТК “ҚУЮВ МЕХАНИКА ЗАВОДИ”

## Шўъба корхонаси жамоаси

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик улуғ байрами ҳамда “Шарқ машъали” номига муносиб бўлган азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ юбилейи муносабати билан мамлакатимиз халқини ва юртимизда давом этаётган бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатиб меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни муборакбод этади!

**Юртимизнинг бетакрор ва гўзаллиги, халқимизнинг эса аҳил ва бағрикенглигини намоён этгувчи бундай шодиёналар ҳар доим яхшиликлар, эзгуликлар олиб келсин.**



# “ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО”

## БОЗОРЛАР АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ



**Мамлакатимиз халқини ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик кутлуғ тўйи билан чин дилдан кутлайди!**

**«Бозорлари обод ва тўкин бўлган юртнинг халқи ҳам тўқ ва фаровон яшайди” деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган.**

**Шу маънода табиатнинг тўрт фаслида ҳам кут-барака аримайдиган Ўзбекистон бозорларининг доврўғи дунёга кетгани ҳақида ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.**

**Улуғ Истиқлол шарофати туфайли тобора гўзал ва кўркам бўлиб бораётган юртимиз обод бўлаверсин!**

**Байрамингиз муборак, азизлар!**

# “OZIQ-OVQAT MOLLARI” ОАЖ

## Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораси

*Мамлакатимиз аҳлини ва меҳмонларини яқинлашиб келаётган энг улуғ айём — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк бўлиб келган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги юбилейи билан қутлайди!*

*Истиқлол — бебаҳо неъмат.*



*Мустақиллик — юрт иқболини, халқ саодатини белгилайдиган мезондир. Шундай экан, Яратганнинг бу улуғ инояти қадрлайлик!*

*Истиқлол қуёши жаннатмонанд юртимиз узра ўз нурларини сочаверсин!*

***Улуғ айём — Истиқлол байрамининг шукуҳли лаҳзалари тобора яқинлашгани сайин бизнинг жамоамиз аҳлининг ҳам масъулияти янада ошади. Чунки шу кунлари кўпчилик дам олса, бизлар ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоққа шошиламиз. “Элга хизмат — олий ҳиммат” деганларидек, бу ҳам бизларга ўзгача руҳ, хуш кайфият бағишлайди.***

***Барчангизни миллий байрамимиз — Мустақилликнинг 18 йиллиги ҳамда бетакрор қиёфага эга бўлиб бораётган азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи билан чин кўнгилдан табриклаймиз.***




**Эҳтиром ила**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “4-АВТОКОРХОНА” ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

МУЛОҲАЗА

# МОЛ-ДУНЁ БАХТ БЕРМАЙДИ

Кимнинг яхши яшагиси келмайди, дейсиз. Янги шаклдаги уйлар, энг сўнгги маркадаги машиналар, чет элдан келтирилган мебеллар, нархи 100 доллардан 1000 долларгача бўлган телевизору, телефонлар, сўнгги урфдаги гиламу пардалар, идиш-товоқларнинг сон-саноғи йўқ. Кийим-кечакларни-ку айтмаса ҳам бўлаверади, кунора янги турлари бозор пештахталарини безаб турибди. Бундай нарсаларнинг кўп бўлгани яхши. Аммо «кўрпангга қараб оёқ узат» деган нақлни баъзи одамлар унутиб қўяётгандек, гўё.



Уй-рўзғор буюмлари супермаркетида чинни идишларни танлаётган бир аёлга кўзим тушди.

— Болам, биласизми, қиз болани турмушга бериб ҳам қутула олмас экансан, унинг пахтагулли чинни, «Мадонна», хрусталь идишларининг кўплигидан стенкаси тўкилай дейди. Аммо қаёкда дейсиз? Мана эртага набирамнинг туғилган кунига совға-саломга қўшиб, янги чиққанидан олиб боришим керак эмиш. Шунга...

Балки, бу аёлнинг нимаики урф бўлса, набираси, қизи ёхуд куёвию қудасининг туғилган кунларига турли-туман совғаларни олиб боришга қурби етар, аммо бошқалар-чи? У ўзининг «қолипга сиғмайдиган» бундай ортиқча дабдабабозлиги билан қўни-қўшниси, танишларидан андиша қилмасмикан?

Мавзудан озгина четлашган ҳолда айрим хорижий давлатларда ўтказиладиган тўйларда, ҳатто, беш киши билан ҳам базм нишонланишини эътиборга оладиган бўлсак, биздаги сарф-харажатлар билан у ёқларда 100-200 та тўйни бемалол ўтказиш мумкин экан-да, деб ўйлаб қоласиз. Тасаввур қилаяпсизми, камида 400-500 одамсиз ўтмайдиган тўйларимизнинг тобора серғашам бўлиб бораётгани кишини ўйлантиради.

Қарз ҳавола қилиб, дангиллама тўйлар ўтказиб, уч-тўрт йилгача қарзини қутула олмай, охир оқибат ажралишаётган оилалар ҳам йўқ эмас.

Ўзбек киноларида ҳам бугун ўта серҳашам манзараларни кўраяпмиз. Тўғри, кинолар ҳаётдан олинади. Лекин ҳаёт кино ёхуд сериал эмас-ку?

Инсонга яшаш учун ўртача 70-80 йил вақт бериларкан. Бу синов даври жудаям қисқа. Гўзаллик пул ёки модада эмас. Атроф ҳақиқий гўзалликларга тўла. Фақат уни ҳис қилиб яшаш керак. Шундай ҳур ва озод, обод Ватанда яшаётганимиз, мусаффо ҳаводан нафас олаётганлигимиз ва яқин жигаргўшаларимизнинг ёнимизда бўлишининг ўзи ҳақиқий бойлик ва бахт эмасми?..

**Робинисо АШУРОВА**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ҚАЙНОНАМ ҚИЙНАДИ

«Отабекка турмушга чиқаётганимда отам «онаси ўгай экан, ўйлаб кўрайлик» деб зўрға кўнганди. Дастлаб қайнонам мени ўзига жуда яқин олиб, йўл-йўриқ кўрсатди. «Чизган чизиғимдан юрсангиз кам бўлмайсиз», деган гапларини эслатишдан чарчамасди. Қайнсингилларимга ўзидай қўпол муносабатда бўлмаганим уларнинг ғашига тегди. Шу сабаб бажараётган юмушларимдан камчилик ахтарадиган одат чиқарди. Тишимни-тишимга қўйиб, ичимга ютавердим. Ўғлим туғилди-ю, бошим балоларга қолди. Ҳар гапида «меросхўринг билан қўшиб ҳайдаб соламан», дерди. Барибир айтганини қилди. Туҳмат қилишгача етди. Ноилож, эрим билан ажрашдик. Тошкентда яшайман. **Ёшим 40 да.** Диёнатли эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**Зарифа».**

## ФАРЗАНДЛАРИМ РОЗИ

«Зилолага уйланиб уч ўғил, бир қизим билан бахтли ҳаёт кечираётгандик. У билан топган-тутганим баракали, хонадоним файзли эди. Минг афсуски, бечора бедаво дардга чалинди. Бормаган жойим, кўрсатмаган дўхтир, табибим қолмади. Барибир қўлимиз ожизлик қилди. Айни фарзандларимизнинг камолини кўраман деганда, бевақт дунёдан кўз юмди. Аро йўлда 55 ёшимда сўққабош бўлиб қолдим. Катта ўғлим уйланган. Қизим турмушга чиқиб, ўзидан тинган. Фарзандларим ҳам уйланишимга рози. Севимли газета орқали ўз жуфтини топаётганлар ҳақида ўқиб, умид билан сизларга хат йўллаяпман. Тошкентликман. Қадримга етадиган аёл учраса, уйланмоқчиман.

**Адҳам».**

## БИР КАМ ДУНЁ ЭКАН

«Қизим Наргиза уч ёшигача соппа-соғ эди. Турмуш ўртоғим хўжаликда меҳнат қиларди. Кеч куз эди. Қизимизни онамнинг олдига қўйиб, ўзи пахта теримига, далага кетган. Онам уй юмушлари билан андармон бўлиб, Наргизанинг пилдираб дарвозадан чиқиб кетганини билмай қолган. Онам хавотирга қўймай деб ўз ҳолича излайверган. Тополмагач, бизларга хабар берган. Қуёш ботай деб қолганди. Шу куни ярим тунгача излаб тополмадик. Эртаси азонда далада эски чайланинг ёнида бир аҳволда ухлаб ётган ҳолда топиб олдик. Қўрққаниданми, гапира олмасди. Кўрсатмаган шифокор, табиб қолмади. Фойдаси бўлмади. Ҳозир қизимнинг **ёши 21 да.** Уй юмушларини бемалол уддалайди, қўли гул чевар. Бир кам дунё экан. Онаси иккимиз нуридийдамизнинг келажагини ўйлаб, сизларга хат ёзаяпмиз. Ўзига ўхшаш тақдирли инсон учраса, қизимизни узатардик.

**Комил**
**Хоразм вилояти».**

## ХИЁНАТНИ КЕЧИРОЛМАДИМ

«Отамнинг раъйига қараб узоқ қариндошимиз Ёқубжонга турмушга чиққандим. Оиламизга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Қайнота-қайнонам ҳокисор инсонлар эди. Бир ҳовлида улар билан яшаган йилларимни ҳеч унутолмасам керак. Ўғлим, қизим туғилганда атрофимизда парвона бўлиб, меҳрибонлик кўрсатишганди. Турмуш ўртоғим иш жойидан тез-тез сафарга чиқадиган бўлди. Иш юзасидан-да, деб дастлаб эътиборсиз бўлдим. Кейин эса «Ёқубжон бир татар қизга илашибди», деган узунқулоқ гаплар тарқалди. Сўраб-суриштирсам, бу миш-миш рост бўлиб чиқди. Хиёнатини кечиролмадим. Расмий равишда ажрашдик. Шунга ҳам мана, ҳаш-паш дегунча саккиз йил бўлди. Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 43 да.** Ўзимга мос инсон бўлса овоз берсин.

**Фарида».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**
■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.**
**Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.**


**Муҳтарам муштарийлар! Ушбу сондаги қўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.**

**Газетамизнинг навбатдаги сони 10 сентябрь куни чиқади.**


**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 234-25-46**
**Котибият: 233-04-35**
**Реклама бўлими: 233-04-50**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169-** рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 732. Формати А–3, ҳажми 8 табоқ. Адади – 9284
Навбатчи — **Санобар ФАХРИДДИНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

**ISSN 2010–7609**

2 3 4 5